

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳукуқида

ИМОМОВ ТИМУР АКБАРОВИЧ

**Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга
жалб қилишнинг назарий-хукуқий асослари**

Мутахассислик: 5А340601-“Давлат молиясини бошқариш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: _____ доц. О. Комолов

ТОШКЕНТ – 2011

Мундарижа

КИРИШ	3
I боб. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг назарий-хуқуқий асослари.	8
1.1. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг зарурлиги	8
1.2. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш стратегияси, йўналишлари ва ҳуқуқий асослари	17
1.3. Ташқи инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишнинг хориж тажрибаси.....	24
II боб. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолатининг таҳлили.....	33
2.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар	33
2.2 Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва унинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири таҳлили	43
2.3. Навоий эркин индустрисал иқтисодий зонасига тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилиш амалиёти таҳлили.	53
III боб. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилишини такомиллаштириш йўналишлари.....	63
3.1. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари	63
3.2. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб этишини такомиллаштириш йўллари	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	87
ИЛОВАЛАР.....	94

КИРИШ.

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёsat мулкчиликни барча шаклларидан бирдай фойдаланиш, натижада эркин бозор муносабатлариға асосланган иқтисодий тизим ва хуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, ортиқча капитал танқислигининг юзага келиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Юзага келган бундай танқисликни бартараф этишда мамлакат иқтисодиётига киритилган хорижий сармоялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестицион лойиҳаларни хорижий инвестор капитали ҳисобига молиялаштириш инвестиция маблағлари билан бирга янги ва замонавий технологияларни ҳам иқтисодиётга олиб киришни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш қабул илаётган мамлакатлар учун қатор афзалликларни вужудга келтиради. Хорижий инвестициялар “...ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда”¹. Жаҳондаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиётини, моделларини чукур ўрганиш ва уларнинг илгор тажрибасини мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш ва чукур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ижодий қўллаш мухимдир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзуу долзарблиги ва иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзуу юзасидан хорижлик олимлардан Шарп У., Александр Г., БэйлиДж. Гитман Л, Джон М.Д., Родионов Ю., Порттер Р.С.,

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 37-б.

Деверюкс Д., Робертс Б.лар илмий янгиликлар яратган бўлсалар, маҳаллий олимлардан Вахобов А.В, Чжен В.А., Гуломов С.С., Абдуллаев Ё.А.лар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мавзусини танлашдан қўзланган дастлабки ва асосий мақсад юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг ечимини топиш учун мамлакат иқтисодиётига хориж капиталини имкон қадар кўпроқ жалб этиш, бунда чет эл инвесторларига капитал киритишда янгича таклифлар бериш ҳамда жалб этилган инвестицияларни янги инновацион лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришга жалб этишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришишда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилди:

- Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция тушунчасининг назарий иқтисодий асосларини ўрганиш;
- Хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда уларни мамлакатга жалб этишда давлат сиёсатининг туб моҳиятини таҳлил этиш;
- Мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлашда хорижий сармоялардан фойдаланишининг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти ва предмети. Илмий тадқиқот ишининг обьекти сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мухим аҳамият касб этаётган ва келажакда Ўзбекистонда инвестицион иқлимининг ривожига кучли таъсир этиши кутилаётган Навоий эркин индустрисал иқтисодий зонаси олинди.

Тадқиқот предмети бўлиб тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига таъсири ва уни жалб қилишни такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услуг ва услубияти. Диссертация ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, профессор олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Шунингдек таҳлил юритишда индукция, дедукция, таҳлил ва боғлиқлик, мавҳумийликдан аниқликка силжиш усуллари билан бир каторда анализ, синтез, статистик ва математик кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгиликлари сифатида қўйидагиларни кўрсатишимиш мумкин:

- тадқиқотда илк бор мамлакат иқтисодиётида паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган обьектларни инвестиция киритиш шарти билан текинга бериш масаласи таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқотда мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини жалб этишнинг янгича ноанъанавий йўналишлари ишлаб чиқилди.
- Корхоналарнинг иш фаолияти ҳақида ОАВларида реклама роликлари ҳамда маҳсус чиқишлиар орқали ҳаётӣ ва ишонарли маълумотларни бериш;
- Профессионал лойиҳа-инжинииринг компанияларини кўпайтириш;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, ҳудудий ҳокимликларининг мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, кенг жамоатчилик ўртасида очиқ мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Мамлакатимиз табиий бойликларга бой ҳамда қулай географик муҳитда жойлашган бўлса-да, унинг денгиз ва океанларга чиқишига нокулайлиги мамлакатимизга инвестиция кириб келишига салбий таъсир кўрсатиши сир эмас. Бу нарса эса мамлакат

иқтисодий потенциалини яхшилиш борасида бир қатор янгича амалий ислоҳотлар ўтказиш, иқтисодиётнинг халқаро бозорда рақобатлашувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи соҳаларини ҳисобига иқтисодиётни мустаҳкамлашни талаб этади.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилишнинг истиқболли жиҳатларини таклиф этишга йўналтирилган ушбу илмий тадқиқот иши юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериши, шубҳасиз.

Тадқиқот ишининг ҳажми. Магистрлик иши кириш қисми, З та боб, хулоса ва таклифлар, иловалар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмida мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, обьекти, услугуб ва услубияти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган. Асосий қисм уч бобдан иборат:

Биринчи боб уч параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграфда хорижий инвестиция ва инвестициялашнинг назарий иқтисодий асослари, аҳамияти ва зарурияти, иккинчи параграфда хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт ва унинг барқарорлигини таъминлашда тутган ўрни, уларни жалб этиш стратегиялари ва йўналишлари ҳамда хукуқий асослари, учинчи параграфда хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишнинг хориж тажрибаси таҳлили келтирилади.

Диссертация ишининг **иккинчи боби** ҳам уч параграфдан ташкил топади. Иккинчи бобнинг биринчи параграфида Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар, инвестицион муҳит ёритиб берилган. Иккинчи параграфда мамлакатда хорижий инвестицияларнинг бугунги кун аҳволи ва хорижий инвестицияларнинг макроиқтисодий таъсири баён қилинади. Учинчи параграфда чет эл сармоясини мамлакатимизга жалб қилишда аҳамиятга молик бўлган Навоий

эркин индустрисий зонасига хорижий инвестициялар оқими ҳақида сүз юритилади.

Учинчи боб икки параграфдан иборат. Биринчи параграфда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда юзага келаётган муаммолари ёритилса, иккинчи параграфда инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш йўллари санаб ўтилади.

I боб. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг назарий-хукукий асослари.

1.1. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг зарурлиги

Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатлар ўртасида бошланган либерал иқтисодий тизимнинг энг катта мўжизаларидан бири хорижий инвестиция эканлигига кўпчилик шубҳа билан қарамайди. Ҳақиқатан ҳам ушбу диссертацияда сўз юритиладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, масалан, “Осиё арслонлари” номини олган тўрт Жанубий – Шарқий Осиё давлатларида, кейинчалик Хитойда ва ҳозирги кунда эса Шарқий Европа ва Вьетнамда мамлакат иқтисодий ўсишига катта таъсир кўрсатди ва ҳали-ҳамон ушбу жараён давом этмоқда.

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкий, молиявий, интеллектуал бойликлариdir. Иқтисодий мазмунига кўра хорижий инвестициялар ссуда капитали (яъни қарз ва кредит), ҳамда тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларга бўлинади. Инвестициялар нимага йўналтирилганлиги улар қайси хорижий инвестиция турига киришини белгилайди.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналарда ўз хиссаси билан қатнашиб, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматбахо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш хукуқига эга бўлиши, эркин иқтисодий худудларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунлари ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг дунё бўйича

умумий ҳажми 1980 йилдагига қаралғанда 14 баравардан зиёд ўсиб, 2010 йил ҳолатига, жами 11 трлн. АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда 64 мингта яқин мамлакатлараро компаниялар мавжуд бўлиб, улар 870 мингта хорижий шуъба корхоналари фаолиятини назорат қилиб туради. Ушбу корхоналар сотилаётган маҳсулотлар ҳажми тахминан 18 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса ўз навбатида, бутун жаҳон экспорти ҳажмининг 2 бараваридан зиёддир².

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;
- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардиддаҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;
- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқариш, қурилиш, телекоммуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни кенг қайта ишлаш, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Мақсадига кўра, хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларга бўлинади. Портфель инвестициялар (portfolio investment) -

² А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвесициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 47-50, 54-6.

шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошка қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди. Хорижий портфель инвестициялар барча халқаро операцияларни амалга оширишда фирмалар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги инвестицияларга, асосан, молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат килинади. Корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қисқа муддатли инвестициялардан юқори фойда олиш учун ўтказадилар. Бундай инвестициялар, қўпинча, хусусий тадбиркорлар капиталига асосланган, баъзида эса ўз қимматбахо қоғозларини чиқаради ва хорижий қимматбахо қоғозларини сотиб олади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида булади.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича хар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг хиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич АҚШда 10%, Франция ва Буюк Британияда 20% га якин, Германияда 25%дан 50% гача, Ўзбекистонда эса 49% даражасида белгиланган³. Шунингдек, шу корхонанинг бошқарувида тўғридан-тўғри амалга оширилаётган инвестицияларнинг узок муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун маъсулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни

³ Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. / “Иқтисодий таълимдаги ўқитиши технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008, 154-бет.

тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар икки мақсадга йўналтирилади:

1. Янги компания ташкил этиш.
2. Банкрот бўлган компанияларни харид килиш.

Халқаро компанияларнинг пайдо бўлишига қадар барча хорижий инвестициялар портфель инвестициялар шаклида бўлган. ТТХИ XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади, аммо бу йилларда портфель инвестииялар ҳажми тўғридан-тугри инвестициялар ҳажмига нисбатан икки баробар кўп эди.

ТТХИнинг аниқ молия-саноат гурӯхлари, халқаро фирмалар, ТМК фаолияти орқали амалга оширилиши уларга муайян устунлик беради. ТТХИни бошкариш портфель инвестицияларга қараганда осон бўлиб, уларнинг «ўйин қоидалари» аникроқдир. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиётини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлилий маълумотларга қараганда, ТТХИ охирги бир неча ўн йилликлар мобайнида жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. 1914 йилдан иккинчи жаҳон уруши охиригача бўлган муддатда хорижий инвестиациялар ҳажми 30% га кўпайган ҳолда, кейинги 10 йил мобайнида икки баробар ўсган. XX аср 60-йилларининг ўрталаридан бошлаб кейинги 25 йил мобайнида эса ушбу кўрсаткич 4 маротабага ошган. XX асрнинг 1980 йилларида жаҳонда ТТХИ оқимининг ҳажми 85 млрд. долларни ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2010 йилга келиб 3,6 трлн. долларга етди⁴.

2008 йилда ТТХИни жалб этиш ҳажмининг 29% га қисқариши трансчегаравий бирлашиш ва қўшиб олишлар ҳажмининг қисқариши туфайли юз берган. Трансчегаравий бирлашиш ва қўшиб олишлар ҳажми охирги беш йил давомида муттасил ошиб борган ҳолда, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 39% га қисқарди. Мазкур тузилган битимлар сони Европада 56% га, Японияда эса 43%

⁴ А.В.Вахабов, Ш.Ҳ.Хажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвесициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 47-б.

га қисқарган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айланма маблағлари ҳажми 1 млрд. доллардан кўп бўлган халқаро компанияларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига кўпроқ таъсир қилди⁵.

Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар жараёни бундан юз йиллар олдин АҚШда пайдо бўлган. Шу билан бирга халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар бозори юзага келди, ушбу бозорда олди-сотди обьекти сифатида акцияларнинг йирик пакети ёки корхона қатнашади. Ҳозирги вақтда халқаро бирлашиш ва қўшиболишлар рақобат курашининг самарали усулларидан бири хисобланади. Ушбу усул компанияларнинг бозордаги улушининг ортишига, капиталлашиш даражасининг ўсишига олиб келади.

Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишларнинг гурухланиш мезонларини қўйидаги гурухга ажратиш мумкин: интеграциялашув тавсифи, молиялаштириш шакли, битимда учинчи томоннинг қатнашиши ва қатнашчиларнинг битимга муносабати. Назаримизда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида битимларни молиялаштириш шакллари долзарб саналади.

Жаҳон амалиётида халқаро бирлашишларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган усули пул маблағлари ва оддий акциялар (ривожланган мамлакатларда битимларнинг 80% гача) хисобланади. Нисбатан кам тарқалган усулларга қарз дастаклари, имтиёзли акциялар, ҳосилавий қимматли қоғозлар ёки уларни аралаш қўллаш орқали молиялаштиришлар киради. Масалан, Россияда оддий акциялар орқали молиялаштириш жуда кам учрайди. Ушбу усул, одатда, йирик компаниялар томонидан кичик компанияларни қўшиб олиш жараёнини тугатишда қўлланилади. Жумладан, 2007 йилда Россияда АҚШдан фарқли равища фонд бозорларининг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари туфайли амалга оширилган битимларнинг 95% и пул маблағлари орқали молиялаштирилган⁶.

⁵ А.В.Вахабов, Ш.Ҳ.Хажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 47-б.


⁶ Каменев К.А. Особенности финансирования сделок слияний и поглощений в России. // ЭКО, №3, 2009. С. 143.

Жаҳонда халқаро бирлашиш ва қўшиб олишларнинг тармоқ таркиби таҳдиллари кўрсатишича, 2010 йилда ушбу турдаги жами битимларнинг 44,9% и саноатда, 42,3% и хизматлар соҳасида ва 12,8% и қишлоқ хўжалигида содир бўлган. Ривожланган мамлакатларда имзоланган асосий битимлар саноатда (37,9%) амалга оширилган бўлса, ривожланаётган (58,9%) ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида (72,8%) эса имзоланган битимларнинг катта қисми хизматлар соҳасига тўғри келади. Жаҳониктисодиётига кирувчи турли мамлакатлар гуруҳида бирлашиш ва қўшиб олишларнинг тармоқ таркибида карама-карши тенденциялар кузатилмокда. Жаҳонда ва ривожланган мамлакатлар гуруҳида имзоланган шартномалар таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳиссаси кескин ортгани ҳолда, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, аксинча, ушбу тармоқ, улуши кескин пасайиш тенденциясига эга⁷.

Ўзбекистонда амалга оширилган бирлашиш ва қўшиболишлар бўйича битимлар сони ва ҳажми ортиб бормокда. Жумладан, 2005-2009 йилларда ушбу битимлар сони 15 тадан 43 тага, уларнинг қиймати 196,7 млн. доллардан 220,4 млн. долларга қадар ортган.

1.1.1-чизма

Ўзбекистонда бирлашишлар ва қўшиб олишилар бўйича битимлар




Манба: Срапионов К. Слияния и приобретения (СиП): итоги 2009 года//Биржса, №6 (1109), 16.01.2010.

⁷ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009 маълумотлари асосида ҳисобланган.

2009 йилда бирлашиш ва қўшиб олишлар бўйича битимлар Туркия (39,2%), Ўзбекистан (36,8%), Хитой (8,8%), БАА (7,0%), Канада (2,9%) ва бошқа мамлакатлар (5,3%) компанияларига тегишилдири. Ушбу битимлар текстиль (39,2%), банк (35,6%), пахта (8,8%), кабель (7,0%), нефтгаз (2,9%), машинасозлик (2,2%) ва бошқа (3,3%) тармоқларда амалга оширилган (1.1.2-чизма).

1.1.2-чизма

2009 йилда Ўзбекистонда бирлашишилар ва қўшиб олишлар таркиби, жамига нисбатан %да



Манба: Срапионов К. Слияния и приобретения (СиП): итоги 2009 года //Биржса, №6 (1109), 16.01.2010.

Сўнгти қирқ йил ичида ТТХИ ҳажмининг барқарор суръатларда ўсиши натижасида уларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши саккиз бараварга ошди ва ҳозирда 16%ни ташкил этади. XXI аср бошларида ТТХИ ички инвестициялар ва ташқи савдога қараганда жадалроқ ривожланмоқда. ТТХИ жаҳон хўжалиги глобаллашувининг асосий омилига айланди. ТТХИ фаоллашувининг сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучлари қўйидагилардан иборат:

- ТТХИ ёрдамида миллий бозорларда монополистик фойда олишнинг мумкинлиги;
- ташқи савдога нисбатан қўшимча фойда олиш имконияти;
- ТМКнинг ТТХИни элтувчилари сифатида майдонга чиқиши;

- ТТХИга нисбатан ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжининг кескин ўсиши;

- реципиент-мамлакатларда ТТХИни жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмларнинг шаклланиши.

XXI аср бошларида ТТХИ ҳажмининг жадал суръатлар билан ўсиши ва уларнинг халқаро миқёсда бошқарилиши зарурияти инвестициялар билан ташқи савдо миқдори ўртасида боғлиқлик масалаларини тадқиқ этишини тақозо этмоқда. ТТХИ ҳажми ташқи савдонинг ўсиш суръатлари ва ривожланиш истиқболларига жиддий таъсир ўтказади. Улар ўртасидаги боғлиқлик қўйидагиларда намоён бўлади:

- ташқи савдо иқтисодий ўсиш омили сифатида тан олинган;
- ТТХИ хорижий бозорларга товар ва хизматлар етказиб беришнинг воситаси, халқаро ишлаб чиқариш тизимининг асоси сифатида жаҳон савдосининг йўналишлари, ҳажми ва таркибиға жиддий таъсир кўрсатади;
- жаҳонда аксарият мамлакатлар ТТХИнинг иқтисодий ривожланиш жараёнидаги ижобий ўрнини қўллаб-қувватлашмокда. Ушбу ҳолат мазкур мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган хорижий инвестициялар борасидаги сиёсатда ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга, ТТХИ оқимиға жаҳон мамлакатлари томонидан олиб бориладиган ташқи савдо сиёсати ижобий таъсирини ўтказади;
- жаҳон иқтисодиётида ТТХИ ва ташқи савдодан иқтисодий ривожланишда уйғунликда фойдаланиш лозим.

ТТХИ миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир

кўрсатиши мумкин. ТТХИ алоҳида корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар, буюртмачилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради.

Тадқиқотлар кўрсатишича, миллий иқтисодиётнинг ТТХИни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспортнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, бозор ислоҳотларини амалга ошириш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ТТХИни жалб қилишдаги жозибадорлигини белгиловчи омилларни 5гурухга бўлиш мумкин:

- 1) Бозор омиллари (ички бозор ва экспорт имкониятлари).
- 2) Бой табиий ресурсларнинг мавжудлиги.
- 3) Ишлаб чиқариш харажатлари омиллари.
- 4) Инвестиция муҳити.
- 5) Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси.

Умуман, ТТХИни инвестициялаш мақсадига қўра қуидаги 5 турга гурухлаш мумкин:

1. Ички бозорни эгаллашга йўналтирилган инвестициялар.

Ушбу инвестициялар ташқи савдодаги мавжуд тўсиқларни айланиб ўтиш мақсадида амалга оширилади. «Бозор излаш»дан манфаатдор компаниялар, одатда, ТТХИни қабул қилувчи мамлакатларда янги бозорларга кириб бориш, унинг муайян қисмини эгаллаш ва танлаш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан амалга оширадилар. Ушбу компаниялар учун ички бозор ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори муҳим аҳамиятга эга.

2. Экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестициялар. Ушбу инвестицияларни жалб этиш учун мамлакатлар малакали ва арzon ишчи кучига эга бўлишлари лозим. Бунда макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик, хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мукаммал тизими, солик имтиёзларининг мавжудлиги қаби омиллар муҳим ахамият касб этади.

3. Ресурс излашга ихтисослашган инвестициялар. Ресурс излашдан манфаатдор фирмаларни, биринчи навбатда, мамлакатда ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги қизиқтиради.

4. Ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириши мақсадида йўналтирилган инвестициялар. Хорижий инвестицияларнинг ушбу тури компаниялар томонидан ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш орқали нисбий афзалликларидан самаралирок фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур групх инвестициялари, одатда корпоратив стратегияга асосланади.

5. Технологияларни янгилаши мақсадида амалга оширилган инвестициялар. Ушбу турдаги инвестициялар юқори технологияли ишлаб чиқариш — электроника, биотехнология, нанотехнология ва саноатнинг бошқа янги тармоқларида жамланган.

Амалда компаниялар бир вақтнинг ўзида бозор излаш, экспорт бозорига йўл топиш, самарадорликни ошириш ва ресурслар қидириб топиш қаби омиллардан келиб чиқсан ҳолда инвестицион қарорлар қабул қиласидилар. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига ТТХИни киритишда йирик компаниялар аксарият ички ва экспорт бозори салоҳияти мавжуд ресурсларга эришиш имкониятига алоҳида ахамият беришмоқда.

1.2. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш стратегияси, йўналишлари ва ҳуқуқий асослари.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва

имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни хисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, қўпроқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- Улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшимча корхоналарни ташкил этиш;
- 100% мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий худудлар ташкил этиш;
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол-мулклари бир қисмини ажратиб, шуъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шуъба корхоналарга ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар ўз капиталларини жамлаган ҳолда ҳалқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин.

Концессия шартномалари - бу табиий бойликларни, айрим фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

Лизинг шартномаси эса чет эл инвестициялари иштирокида асбобускуналарни, техника-технологияларни узоқ муддатга ижарага олиш.

Тендерлар эса танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилишидир. Эркин иқтисодий худуд – бу маълум худудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган худуддир. Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодиёт худудлар тўғрисида"ги Қонунида эркин иқтисодий худудга қуйидагича таъриф берилган: "Эркин иқтисодий ҳудудлар – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида хуқукий тартиботи бўлган маҳсус ажратилган ҳудуддир". Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш жараёнида давлат қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи ҳамда назорат қилувчи сифатида бош ислоҳотчи бўлиши лозим. Давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида қатнашиши хорижий мамлакатлар тажрибасида аниқ намоён бўлади. Масалан, Хитой ҳукумати 1 доллар чет эл инвеестицияларни жалб этиш учун 4 доллар ўз маблағларини сафарбар этган. Натижада, миллий ва асосан, хорижий инвесторлар ҳудудларга инвестициялар кирита бошлаган, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривожи учун пойdevor бўлиб хизмат қилди. Россияда яратилган эркин иқтисодий ҳудудларга Находка, Калининград вилояти, Санкт-Петербург шаҳри ва бошқалар киради. Қозогистондаги биринчи эркин иқтисодий ҳудудлар 1991 йилда пайдо бўлган. Булар: Жезқозғон вилоятидаги Жайрен-Атасу, Костанай вилоятдаги Лисаков ва Олмаота шаҳардаги "Отакент" эркин иқтисодий ҳудудлари⁸.

⁸ Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

Молиявий активлар – бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чет эл капиталини жалб этиш, чет эл кредитларини олиш ва чет эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун эмиссия қилинади.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафакат ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш зарурдир. Бунда, асосан, чет эл инвестициясини иқтисодиёт соҳалари бўйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва унда тармоқларни, асосан, Згурухга, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга бўлиб, инвестицияни устувор даражада реал секторга йўналтириб, сўнг қолган соҳаларни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиёт ривожланиши ва заруриятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини, асосан, капитал экспорти-импортини миллий ва халқаро даражада рагбатлантириш орқали амалга оширадилар. Капиталнинг қарзлар, портфель инвестициялар ва бошқалар шаклида ҳаракат қилиши борасидаги давлат сиёсати унинг ҳаракатидаги барча чеклашларни олиб ташлаш мақсадида олиб борилади. Барча хорижий инвестицияларга нисбатан давлат ҳар қандай чеклашларни амалга ошириш ҳукуқини ўз зиммасида қолдиради, чунки бу миллий иқтисодий ҳавфсизлик билан боғлиқ. Шуниси ҳарактерлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиниб турилади.

Давлат тартибга солишининг қуидаги усулларидан фойдаланади:

- 1)молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солик имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;
- 2)номолиявий: ер участкалари ажратиш; зарурий инфраструктура билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

2009 йилда иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 %га ортди ва 4,3 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағни ташкил этди⁹. Ана шу инвестицияларнинг салмоқли қисми бевосита хорижий инвестициялардир. Ушбу факт ва рақамлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни қўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Бугунги кунда юртимизда фаолият қўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва тэлекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор еътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, хар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. 2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, жумладан, салкам 50% и

⁹Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиши қўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 210 б.

корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58% га ортди. Уларнинг 76%и тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялардир¹⁰.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижийинвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича динамикаси

Йил/Манба	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
	Хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижийинвестициялар (млн. АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	953.5	748.2
2008	1031.7	813.67
2009	1062.2	825.9

Манба: Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий–иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 211 б.

Инвестиция дастури доирасида ўтган йили 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди, хорижий инвестициялар иштирокида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди. Қўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда - енгил, озиқовқат, электротехника, кимё ва нефtkимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқdir.

Мамлакатимизда ушбу соҳани хуқуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун хужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз, қаерда шароит бўлса, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади. Хусусан, 2008 йил 8 апрелда

¹⁰Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий–иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 210 б.

матбуотда эълон қилинган "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз худудида ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз еҳтиёжлари учун юртимиз худудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун хужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасига мувофик, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш еҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида - юқорида қайд етилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ етиладиган бўлди. Жорий йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришга барча молиявий манбалар ҳисобидан қиймати 5,4 миллиард доллардан зиёд, жумладан, умумий қиймати тахминан 1,5 миллиард долларга teng хорижий инвестицияларни киритиш кўзда тутилмокда. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати 40 фоиздан ошади. Хорижий сармояларни киритиш ҳисобидан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, умумий қиймати 1,4

миллиард долларлик ўттиздан зиёд обектни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласи.

1.3. Ташқи инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишнинг хориж тажрибаси

Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари амалда хорижий инвестицияларни экспорт ва импорт қилувчилар ҳисобланишади. Чунки, ТТХИ асосан ТМК орқали амалга оширилади. Шунинг учун ТТХИнинг таркибини хорижий капитални жалб қилувчи ва капитални четга чиқарувчи мамлакатларни гурухлаган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Түғридан-түғри хорижий инвсстияларнинг минтақавий таркиби қуйидаги хусусиятларга эга:

- ТТХИни қабул килувчи асосий мамлакатлар ривожланган мамлакатлар ҳисобланиб, улар ҳиссасига жаҳон инвестициялар оқимининг 75% и түғри келади;
- ТТХИнинг концентрациялашган оқими АҚШ-Гарбий Европа-Япония учлигига түғри келади;
- Глобал ТТХИ оқимида ривожланаётган мамлакатлар улушининг қисқариб бориши кузатилмокда. Уларнинг ҳиссасига жаҳон инвестицииялар оқимининг 20% и түғри келади;
- Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг ТТХИ оқимидаги улуши барқарор бўлиб, улар ҳиссасига инвестициялар глобат оқимининг 2% и түғри келади¹¹;
- Ривожланган мамлакатлар томонидан ТТХИнинг глобал тақсимланишини капитални четга чиқариш географиясига қўра назорат қилиш.

ТТХИ оқимининг йўналишлари мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. ТТХИни, асосан жалб этувчи ва чиқарувчи мамлакатлар саноат жихатдан тараққий этган мамлакатлар ҳисобланишади ва уларнинг ҳиссасига ТТХИ йиллик оқимининг 80% и түғри келади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида 2009 йилда 2008 йилга нисбатан ТТХИни жалб этиш ва четга чиқариш ҳажми жаҳон бўйича тегишлича 14,2 ва 13,1% га қискарган(1.3.1-жадвал). Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда ҳам салбий тенденцияга эга бўлиб, мутаносиб равишда 29,2 ва 16,7% ни ташкил этган. Бу даврда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИни жалб этиш ва олиб чиқиш ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган.

¹¹ А.В.Вахабов, Ш.ҲХажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 52-бет.

1.3.1-жадвал

Жаҳонда ТТХИ ривожланишининг географик таркиби, млрд. долл.

	ТТХИокими	2007	2008	2009	2009 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш, %
Дунё	ТТХИни жалб этиш	1461,1	1978,8	1697,	116,2
	ТТХИни четга чиқариш	1396,9	2146,	1857,	133,0
Ривожланган давлатлар	ТТХИни жалб этиш	972,8	1358,6	962,3	98,9
	ТТХИни четга чиқариш	1157,9	1809,5	1506,	130,1
Ривожланаётган давлатлар	ТТХИни жалб этиш	433,8	529,3	620,7	143,1
	ТТХИни четга чиқариш	215,3	285,5	292,7	135,9
Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари	ТТХИни жалб этиш	54,5	90,9	114,4	209,9
	ТТХИни четга чиқариш	23,7	51,5	58,5	246,8

Манба: UNCTAD. *World Investment Report 2010: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2010* маълумотлари асосида ҳисобланган.

Халқаро капиталлар ҳаракатидаги жиддий ўзгаришлар АҚШдаги ипотека инқирози таъсирида молия бозорларида шарт-шароитларнинг ёмонлашуви ва инфляция эҳтимолининг кучайишига олиб келди.

АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Франция каби мамлакатлар халқаро бозордаги асосий инвесторлар бўлиб, ТТХИ таклифини шакллантирадиган мамлакатлар ҳисобланадилар. Жумладан, 2010 йилда хорижга чиқарилган жами ТТХИнинг 16,8% и АҚШ, 11,8% и Франция, 8,4 % и Германия, 6,9% и Япония, 6,0% и Буюк Британия ҳиссасига тўғри келган (1.3.2-жадвал).

1.3.2-жадвал

Ривожланган мамлакатларда ТТХИ ҳажмининг ўзгариши, млрд. долл.

	ТТХИни жалб этиш			2008йилда 2006йилга нисбатан ўзгариш, %	ТТХИни чиқариш			2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, %
	2006 й.	2007	2008		2006 й.	2007	2008	

Ривожланган мамлакатлар	972,8	1358,6	962,3	98,9	1157,9	1809,5	1506,5	130,1
ЕИ-27	590,3	842,3	503,5	85,3	697,2	1192,1	837	120,1
АҚШ	237,1	271,2	316,1	133,3	224,2	378,4	311,8	139,1
Канада	59,8	108,4	44,7	41,2	44,4	59,6	77,7	175,0
Япония	-6,5	22,5	24,4	74,8	50,3	73,5	128	254,5
Бошқалар	92,1	114,2	73,6	79,9	141,8	105,9	152	107,2

Манба: UNCTAD. *World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009* маълумотлари асосида ҳисобланган.

Тахлиллар кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти АҚШ ва Евropa банк тизими билан бевосита узвий боғланмаганлиги боис инқироздан жиддий зарар кўрмади. Ривожланаётган мамлакатларда ТТХИ оқими барқарор суръатларда ривожланмоқда ва уларнинг ҳажми 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 17%, яъни 621 млрд. долларга ошган.

Агар ТТХИнинг географик таркибини китъалар бўйичатахлил этадиган бўлсак, энг юқори ўсиш Африка қитъасида юз берган (27%), кейинги ўринда Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси ҳудудлари туради (13%) (1.3.3-жадвал).

Тахлиллар кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатлар ТТХИни жалб этувчиликлар ҳисоблананишади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланган мамлакатлар ТТХИнинг катта қисмини ўз иқтисодиётларига жалб этишган.

Ривожланаётган мамлакатлар ичида Хитой, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ичида эса Россия хорижий инвесторлар учун жозибали ҳисобланади. Жумладан, БРИС (Бразилия, Россия, Хиндистон ва Хитой) мамлакатлари ҳиссасига ТТХИ оқимининг 10% и тўғри келган.

1.3.3-жадвал

Жаҳонда ТТХИ оқимининг географик таркиби (жамига нисбатан %ҳисобида)

	ТТХИни жалб этиш			ТТХИни четга чиқариш		
	2008й.	2009	2010	2008 й.	2009	2010
Дунё бўйича	100	100	100	100	100	100
Ривожланган мамлакатлар	66,6	68,7	56,7	82,9	84,3	81,1
Ривожланаётган мамлакатлар	29,7	26,7	36,6	15,4	13,3	15,8

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари	3,7	4,6	6,7	1,7	2,4	3,1
----------------------------------	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Манба: UNCTAD. *World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development.* New York and Geneva, 2009 маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ривожланаётган мамлакатлар ичида ТТХИ учун қулай инвестиция муҳитини яратган мамлакат Хитой ҳисобланади. Масалан, 2005 йилда мамлакат ҳиссасига жалб этилган жами ТТХИнинг 8% и (72,4 млрд. долл.), 2006 йилда 5% и, (69,5 млрд. долл), 2010 йилда эса 11.3% и тўғри келган¹². Хитой иқтисодиётига ТТХИ XX асрнинг 80 йилларидан юқори суръатларда кириб кела бошлаган. 1980 йилда Хитой иқтисодиётида жамғарилган ТТХИ 1 млрд. долларни, 10 йилдан кейин 21 млрд. долларни, яна 10 йилдан кейин эса 193 млрд. долларни ташкил этган. Охирги йилларда ушбу кўрсаткич 1,5 мартага ортган ва ҳозирда 293 млрд. долларига тенг деб баҳоланмоқда¹³(1.3.1-чизма).


2009 йил июль ойида Хитой иқтисодиётига сарфланган ТТХИ ҳажми 2008 йилнинг июль ойига нисбатан 35,7% га камайди. Умуман, 2009 йил январь-июль ойларида Хитой иқтисодиётига сарфланган ТТХИ ҳажми 48,3 млрд. долларга тенг бўлиб, аввалги йилга нисбатан 20% га қискарган. Ушбу ҳолат қатор сабаблар таъсирида содир бўлган.

1.3.1-чизма

**Хитой иқтисодиётига йўналтирилган ТТХИ динамикаси, млрд. долл. (молия
секторидан ташқари)**

¹²www.bloomberg.comсайт маълумотлари.

¹³А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвесициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 55-бет.



Манба: Завадский М. Спад на фоне роста. //Эксперт, №32-24, 2009. С. 34

Биринчидан, ёз ойлари учун инвестицияларнинг кескин чайқалиши хосдир. Иккинчидан, Хитой етарли олтин-валюта заҳирасига эга бўлганлиги сабабли хорижий инвестициялар учун яратилган қулай инвестиция режимини бекор қилди ҳамда 2010 йилдан бошлаб Жаҳон савдо ташкилотига тўлиқ аъзолик мажбуриятларини бажариши туфайли миллий капитал хорижий инвестиция ўрнини қоплади. Юқоридаги сабабларга кўра Хитойда хорижий инвестициялар инфратузилма обьектлари, кўприклар ва йўллар қуришга йўналтирилмаяпти. ТМКда келажакка бўлган ишончсизлигини тубдан сусайтириб, ликвидлик муаммосини келтириб чиқармоқда. Учинчидан, 2009 йилдан бошлаб Хитойнинг давлат компаниялари хориждан табиий бойликларга бой конларни фаол сотиб олмоқда, хукуматнинг хусусий бизнесни ташқи бозорга чиқишига даъват этиши туфайли биринчи марта капитал экспорт қиласидан мамлакатга айланди. Бундан ташкари, Хитой ташқи савдосининг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмининг қисқаришига таъсир қилмоқда. Масалан, Хитой Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан (2001 й.) кейинги давр мобайнида мамлакат ташқи савдо ҳажми экспорт ҳисобига беш бараварга ошган ва 2008 йилда 2561 млрд. долларни ташкилэтган (ижобий қолдиқ 250 млрд. долл). Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи талабнинг қисқариши Хитой экспортининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хитой ташқи савдо ҳажмини қисқартириш ва экспортни камайтириш мақсадида 2007 йилда ёк “Корхоналарнинг даромад солиги тўғрисидаги” қонунни қабул қилган. Ушбу қонун барча мулк шаклидаги корхоналардан бир хил даромад солиги ундиришни назарда тутади ва ушбу ҳолат хорижий инвестицияли корхоналар фойдасининг қисқаришига олиб келади¹⁴.

Хитой ва Хиндистон мамлакатлари иқтисодиётининг ўсиш суръатлари кўпроқ ички омилларга таянади. Тахлиллар кўрсатишича, ЯИМда ТТХИнинг улуши (валютанинг харид қобилияти бўйича) Хиндистонда 0,3% дан, Хитойда эса 1% дан ошмайди. Иккала мамлакатда ҳам ички талабнинг ЯИМнинг кўшимча ўсиш суръатларидағи ҳиссаси 90% дан кам эмас¹⁵. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг инқирозга қарши кураш дастурларида асосий эътибор ички талабни, айниқса, 800 млн. киши яшовчи қишлоқдарда кенгайтиришга қаратилган. Ушбу вазифа кўчмас мулк, автомобиллар ва истеъмол кредитлари бозорини ҳар томонлама ривожлантириш ёрдамида ҳал этилиши режалаштирилган.

Хиндистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиши хорижий инвесторлар ишончининг ортиши ва кириб келаётган ТТХИ миқдорининг кўпайишига олиб келди. Аҳоли даромадларининг мунтазам ўсиб бориши маҳсулотларни сотиш бозорларини излаётган инвесторлар учун мамлакатнинг инвестицион имкониятларини оширди. Жумладан, мамлакатга Walt-Mart, General Motors, IBM, Toyota, Nissan каби йирик инвесторлар кириб келди. Жумладан, Хиндистон иқтисодиётига 2008 йилда 41,6 млрд. доллар ТТХИ жалб этилган.

Бразилия Лотин Америкасидаги энг йирик ТТХИни жалб этувчи мамлакат ҳисобланади ва 2010 йилда 45,1 млрд. Доллар миқдорида ТТХИ киритилган.

Россия ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ичida энг йирик ТТХИни жалб этувчи мамлакат саналади. Жумладан, мамлакатга 1992 йилдан 2002 йилга

¹⁴ А.В. Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г. Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 57-бет.
¹⁵ Ўша манба.

қадар ҳар йили ўртача 2,4 млрд. доллар инвестиция кириб келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2006 йилда -32,4 млрд. доллар, 2007 йилда 47,1 млрд. доллар, 2008 йилда 70,3 млрд. доллар, 2010 йилда эса 73,8га тенг бўлган¹⁶.

Реципиент-мамлакатларнинг умумий сони мутгасил ошиб бормоқда. ТТХИни жалб қилувчи мамлакатлар қаторига Аргентина, Чехия, Венгрия, Малайзия, Мексика, Польша, Таиланд қўшилди. Мазкур мамлакатларда иқтисодий ўсиш, саноат ишлаб чиқариш ва технологик тарақиёт хорижий капиталдан унумли фойдаланиш билан узвий боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ҳам ТТХИни жалб қилиш жараёнига фаол қўшилиб бормоқда. Хусусан, МДХ мамлакатларининг дунё бўйича жами жалб этилаётган ва четга чиқарилаётган ТТХИдаги улуши 2006 йилда мос равишда 3,1 ва 1,7% ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2008 йилга келиб мутаносиб равишда 6,1 ва 3,1% ни ташкил этган (1.3.4-жадвал).

1.3.4-жадвал

МДХ мамлакатларида ТТХИ ҳажмининг ўзгариши, млрд. долл.

	ТТХИни жалб этиши			2008 йилда 2006 йилга нисба-тан ўзгариш, %	ТТХИни четга чиқариши			2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, %
	2006 й.	2007 й.	2008 й.		2006 й.	2007 й.	2008 й.	
Арманистон	44,7	78,1	103,5	231,5	23,3	50,1	57,9	248,5
Озарбайжон	0,5	0,7	1,1	220,0	0,003	-0,003	0,010	333,3
Беларусь	-0,6	-4,8	0,011	-	0,7	0,3	0,6	85,7
Грузия	0,4	1,8	2,2	550,0	0,003	0,015	0,009	300,0
Козоғистон	1,2	1,8	1,6	133,3	-0,016	0,075	0,041	-
Кирғизистон	6,3	11,1	14,5	230,2	-0,4	3,2	3,8	-
Молдава	0,2	0,2	0,2	100,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Россия	0,2	0,5	0,7	350,0	-0,001	0,012	0,033	-
Тоҷикистон	29,7	55,1	70,3	236,7	23,2	45,9	52,4	225,9
Туркманистон	0,3	0,4	0,4	133,3	0,0	0,0	0,0	0,0
Украина	0,7	0,8	0,8	114,3	0,0	0,0	0,0	0,0
Ўзбекистон	5,6	9,9	10,6	189,3	-0,133	0,7	1,010	-
	0,2	0,8	0,9	450,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Манба: А.В.Вахабов, Ш.ҲХажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 58-бет.

ТТХИнинг тармоқ таркибини ўрганиш шуни кўрсатадики, XX асрдан бошлаб унинг тармоқ таркиби қуйидагича босқичма-босқич ўзгариб борди:

¹⁶ А.В.Вахабов, Ш.ҲХажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 58-бет.

- Таркибий ўзгаришларнинг дастлабки босқичи XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олади ва ТТХИ, асосан табиий ресурсларни ўзлаштиришга қаратилган.
- Иккинчи босқич XX асрнинг 50-80-йилларини қамраб олади. Ушбу даврда корпорациялар ўз стратегияларини хом-ашёни оддий қайта ишлашдан тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтира бошладилар. Хитой ТТХИни ушбу йўналишда жойлаштиришнинг намунаси бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда Хитой жаҳон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг муҳим марказига айланиб бормоқда.
- Учинчи босқич XX асрнинг 90-йилларидан ҳозирга қадар давом этмоқда. Бу даврда йирик хорижий капитал реципиент-мамлакатлар бозорларида банклар, сугурта компаниялари, транспорт фирмалари ва бошқа компанияларнинг сервис хизматлари сифатида жойлаштирила бошланди. Прогнозларга қараганда яқин келажақда сервис хизматларини кўрсатиш ҳажми саноат ва бирламчи секторнинг ишлаб чиқариш ҳажмига қараганда жадал суръатларда ривожланиши кутилмоқда. ТТХИни жадал суръатларда жалб қилиш йўлига ўтган Хиндистон ҳам сервис хизматлари бозорини барқарор суръатларда ўзлаштириб бормоқда.

Қисқача хулоса қиласиган бўлсак, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни кундан қунга ортиб бормоқда ва бу жаҳон иқтисодиётида хорижий инвестициялар оқими ортган давлатлар иқтисодиётининг кескин равишда ўсганлигига яққол намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳозирда кўпгина давлатлар, айниқса ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти давлатлари хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг янгидан янги методларини ишлаб чиқишишмоқда.

II боб. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолатининг таҳлили.

2.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар.

Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигига Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Бугунги кунда юртимизда фаолият қўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.


Республикамида тадбиркорликни, шу жумладан хорижий инвестициялар жалб этиш ва ривожлантиришга бўлган алоҳида эътиборни яққол исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинишида ҳам кўриш мумкин.

Чет эл инвесторлари нафакат миллий корхоналарга ўз сармоялари, технологиялари ва бошқарув тажрибасини киритадилар, балки улар жаҳон бозорларига йўл очадилар. Бу эса ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакат учун ҳаёт-мамот масаласидир. Чет эл сармояси ўтиш даври иқтисодиётига энг янги жаҳон илмий- техникавий ютуқлари, технологиялари кириб келиши учун муҳим канал сифатида жуда зарурдир. Зеро, у миллий хўжалик субъектларининг ривожланган товар алоқалари учун мослашувларига, улар фаолиятини жаҳон стандартларига мос равишда оқилона ташкил этишга имкон беради.

Қўшма корхоналар, биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда – енгил, озиқ-овқат, електротехника, кимё ва нефткимё,

машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир(2.1.1-чизма).

2.1.1-чизма



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон амалга ошираётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- инвестиция жалб килиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган хуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчилиллик билан амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга қаратилган валютада ўзини-ўзи қоплашни таъминлайдиган инвестицияларга кўмаклашиш;
- мамлакатнинг кредит қобилиятини, Ўзбекистоннинг биринчи даражали қарз оловчи мамлакат сифатидаги обру-эътиборини қўллаб-куватлаш;

- мамлакатнинг айrim миintaқаларида ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган инвестицияларга ёрдам бериш.
- Инвестиция мухитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатdir.

Ҳозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши 2010 йили 60% ни ташкил этди. Булар Ватанимиз равнақи, ҳалқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда чет эл инвестициясини жалб этишнинг тегишли ташкилий-ҳукуқий, институционал тузилмалари ва инфратизимини яратиш ҳамда мавжуд шарт-шароитларни изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини яққол тасдиқлайди. Айниқса, бунда қонуний кафолатларни яратиш алоҳида аҳамият касб этди. Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳукуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равища ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта – қаерда имтиёз, қаерда шароит бўлса, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёқقا инвестиция келади. Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли мухитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиши ўйғотмоқда. Хусусан, 2008 йил 8 апрелда матбуотда эълон қилинган “Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонун чет эл инвесторларини жалб

қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз худудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз худудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хом-ашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит чратиш мақсадида - юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Эндиликда наинки чет эллик инвесторлар, айни чоғда, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет элинвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет элинвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласи. Ушбу қонун халқимиз фаровонлигини оширишда ҳам улкан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш, энг замонавий технология ва жиҳозларни келтириш ҳисобига иш унуми ва самарадорлиги ошиши муқаррар.

Хозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича хукуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфраструктура барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда. Жумладан, 2003 йилни 15 октябридан миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациясининг очилиши мамлакатдаги инвестиция иқлимини яхшилашга ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига катта имкониятлар яратди. 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан янги хужжат — "Хорижий инвестициялар тугрисида" Ўзбекистон Республикаси Конуни ва "Хорижий инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" Конун қабул қилинди.

Хорижий инвесторларнинг хукуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларини олдини олиш бўйича маҳсус бўлинмалар ташкил этилди¹⁷.

Хорижий инвестицияларни хукуқий ҳимоя қилиш деганда, давлат идоралари ҳамда бошқа жамоат идораларининг хорижий инвестицияларни амалга оширилиши билан боғлиқ фаолият жараёнига аралашувининг олдини олиш ва бартараф этиш тушунилади.

Мамлакатимиз қонунчилиги билан чет эллик инвесторларга - фуқаролиги, яшаш жойи, диний эътиқоди, иқтисодий фаолияти қаерда амалга оширилаётганлиги, шунингдек, инвесторлар ёки инвестицияларнинг қайси мамлакатга мансублигидан қатъи назар, чет эллик инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги, инвесторнинг олган даромадларини хоҳишига кўра тасарруф этиши ва янги қабул қилинаётган қонун-хужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришидан ҳимоя

¹⁷Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 1-қисм. Бекмуродов А., Болтбаев М., Гойибназаров Б., Аманбаев М., Тошхўжаев М. Макроиктисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. – Т.: ТДИУ, 2005.

етилиши, инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ахборотлардан эркин фойдалана олиш, национализация ва реквизиция қилинишидан ҳимоя этилиши ва бошқа шу каби қатор таянч кафолатлар тақдим этилган.

“Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун-хужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн беш йил мобайнида қўлланилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда чет эллик инвесторларни ҳимоя қилишининг умумий кафолатлари ва чоралари билан бир қаторда, шу жумладан, шериклар томонидан чет эллик инвесторлар олдидағи ўз мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминловчи кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари назарда тутилиши мумкин.

Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари муайян ҳолда, яъни:

- барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётида илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;
- республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, республика жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;
- амалга оширилиши хом-ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин.

Мазкур масала Ўзбекистон хукумати номидан Ташқи Иқтисодий Алоқалар, Инвестициялар ва Савдо Вазирлиги билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномасини тузиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги тизимида хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилиб, уларга бу йўналишда кенг ваколатлар берилди.

Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил ва 2010 йилнинг 1-чораги давомида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг 1100 дан зиёд мурожаатлари кўриб чиқилган. Мазкур ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш якунлари бўйича 1000 дан ортиқ ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган¹⁸.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида 1500 дан зиёд даъво аризалари киритилиши натижасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фойдасига 11,8 млрд.сўм маблағ ундириб берилган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда хорижий инвестициялар учун яратилган қулай муҳит ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари инвестицияларнинг оқиб келишига омил бўлмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш Адлия вазирлигининг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.


Инвестицияларни мамлакатга жалб килишда ҳуқуқий асосларга тааллукли хозирги вазифа – бу ҳукуматнинг хорижий инвестициялар бўйича узоқ муддатли барқарор позицияларини шакллантириш ва уни потенциал хорижий инвесторларга етказишдан иборатdir.

Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди.

¹⁸Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий–иктисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 210 б.

Республикамиз ҳалқ хўжалиги тармоқларига сарфланган хорижий капитал 2005 йилда 518,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда салкам 600 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Мустақилликка эришганмиздан ҳозиргача бўлган даврда хорижий инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши кескин ошди (2.1.2-чизма).

2.1.2-чизма



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Чет эл инвесторлари учун энг ўзига жалб этадиган соҳа сифатида нефть-газ, транспорт ва алоқа тармоқлари бўлиб қолмоқда.

Хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб килишда хукуқий асосларга тааллукли ҳозирги вазифа – бу хукуматнинг хорижий инвестициялар бўйича узок, муддатли барқарор позицияларини шакллантириш ва уни потенциал хорижий инвесторларга етказишдан иборатdir.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қўйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;
- 3 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Солиқ имтиёзлари қўйидаги шартлар асосида қўлланилиши мумкин:

- мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар - Қорақалпогистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;
- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;
- корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;
- ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;
- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;
- мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил баравақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш факат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари қуидагилар ҳисобланади:

1. Радиоэлектроника саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.
2. Енгил саноат:тайёр ип газлама ва жун газламалар ишлаб чиқариш; тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантеряси ишлаб чиқариш; терини қайта ишлаш; поябзал, тайёр кўн-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш.
3. Ипакчилик саноати:шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.
4. Қурилиш материаллари саноати:Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартағи ПФ-3586-сонли Фармони 1а-иловасида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.
5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.
6. Озиқ-овқат саноати:маҳаллий хомашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкоголсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).
7. Гўшт-сут саноати:гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сарёғ ишлаб чиқариш.
8. Кимё-фармацевтика саноати:дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш; синтетик кир ювиш воситалари, майший кимё товарлари ишлаб чиқариш.

Қисқача хulosса қилиб айтиш мумкинки, ҳукуматимиз томонидан хорижий инвестицияларни жалб қилишни кучайтириш мақсадида ҳуқуқий база такомиллаштирилган, хорижий инвесторларга бир қанча солиқ имтиёзлари ва бошқа иқтисодий имкониятлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Солик ва Божхона кодекслари, Президент, фармонлари ва

қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари орқали хорижий инвесторлар учун имтиёзларнинг кенг тизими яратилган.

Хорижий инвестицияли корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ва қўшма корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

2.2 Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва унинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири таҳлили

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб

қилишнинг оқилона йўлларини танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.¹⁹

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётiga хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблагларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикамиизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир. Сўнгги йилларда олиб борилган оқилона инвестиция сиёсатининг яққол натижасини қуидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ва инвестициялар ўсиин суръатларининг ўзгариши

Йиллар	ЯИМ(млрд. долл.)	Олдинги йилга нисбатан % да	Инвестициялар (млрд. долл.)	Аввалги йилга нисбатан, % хисобида
2002	7,4	104,2	1,4	103,8
2003	9,7	104,4	1,9	104,5
2004	12,2	107,7	2,5	105,2
2005	15,2	107,0	2,9	107,0
2006	17,0	107,3	3,3	109,1
2007	22,3	109,5	4,7	122,9
2008	28,1	109,0	6,5	128,3
2009	32,1	108,1	8,2	124,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон иқтисодиётiga хорижий инвестициялар оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуидаги омиллар белгилаб бермокда:

- 1) **мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги.** Йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади. Юқоридаги сабабларга қўра хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак;
- 2)**валюта курсини тартибга солишдаги ижсобий ўзгаришилар.** Миллий валютанинг диверсификациялашуви, махаллий товаришлаб чиқарувчиларга

¹⁹ҒуломовС.:Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.; Шар=. 2002 й. 100-150 б.

хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзаликни беради;

2.2.2-жадвал

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб килиши динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

3)2008 йилга қадар жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга (олтин, мис, пахта) қулай нарҳ конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Жами инвестициялардаги хорижий инвестициялар улуси, %	23,2	30,9	20,4	24,0	24,5	21,7	19,0	24,5	25,8	35,4
Жами инвестициялар таркибида ТТХИ улуси, %	3,3	5,3	4,7	8,1	10,0	14,9	14,1	20,6	20,9	30,5
Жами хорижий инвестициялар таркибида ТТХИ улуси, %	14,4	17,2	23,2	33,8	40,9	68,5	73,9	84,0	80,8	86,2

имкониятларини кенгайтирди ва ўзларининг инвестицион дастурларини молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига, кенгайишига олиб келди (*1-Илова*). Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоклар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди ва мультиплікатор самарасини харакатга келтирди;

4)давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўътадиллашуви, мамлакатимизга 18 ойлик импортмиқдорига тенг олтинвалют захираларининг жамланишига, бюджет тақчиллигини бартараф этишга ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқишига имкон берди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 2000-2009 йилларда хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги хиссаси 23,2% дан 35,4% гача ортди(*1-Илова*). ТТХИнинг жами инвестициялардаги улуси эса 3,3% дан 30,5% гача, жами хорижий инвестициялардаги хиссаси эса 14,4% дан 86,2% га қадар кўпайган.


Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чоратадбирлар туфайли 2000-2009 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган

инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. Бу кўрсаткичларга эришишда Ўзинфоинвест агентлигининг ҳиссаси бекиёсдир (4-Илова).

Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 2009 йилда 8,2 млрд. доллар миқдорида инвестициялар жалб этилди. Ушбу кўрсаткич 2008 йил билан таққослагандан, 24,8% га кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар улуши 26,1% ни ташкил этди. 2002 йилда марказлашган инвестициялар ҳажми умумий инвестицияларнинг 43,6% ини ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,1% ни ташкил этди (2.2.1-чизма).

2.2.1-чизма

Асосий капиталдаги инвестицияларнинг молиялаштириши манбаси бўйича структураси (%ларда).



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган инвестициялар улуши 23,5 пунктга камайди. Вазирликлар тизимида соҳани ривожлантириш учун очилган мақсадли фондлар ҳисобига амалга оширилаётган инвестициялар улушкининг кескин ошиши кузатилмокда. 2002 йилда ушбу манба улуши 1,4% ни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 7,6% га етди. Давлат кафолати остида жалб қилинган инвестициялар ҳажмини 16,8% дан 4,3% гача туширишга эришилди, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларулуши эса 3,9% дан 27,9% гача ортди.

2.2.3-жадвал

2002-2009 йилларда инвестицияларни молиялаштириши манбалари таркибининг ўзгариши, % ҳисобида


T/P	Манбалар	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
	Жами инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100
1.	Марказлашган инвестициялар шу жумладан	43,6	36,4	31,8	23,4	22,5	20,1	20,0	20,1
1.1.	Бюджет маблағлари	25,5	17,0	14,9	12,7	10,7	9,0	8,9	8,1
1.2.	Бюджетдан ташкари маблағлар	1,4	0,4	2,4	4,7	6,9	6,1	7,6	7,6
1.3.	Давлат кафолати остида олинган кредитлар	16,8	19,1	145	60	50	5П	35	43
2.	Марказлашмаган инвестициялар, шу жумладан	56,4	63,6	68,2	76,6	77,5	79,9	80,0	79,9
2.1.	Корхоналар маблағлари	38,3	41,9	43,2	48,7	48,3	47,6	43,6	36,3
2.2.	Тижорат банклари маблағлари	2,2	2,6	2,6	2,9	3,4	3,1	7,9	5,2
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	3,9	7,3	10,0	13,2	14,1	17,8	25,8	27,9
2.4.	Аҳоли маблағлари	12,0	11,8	12,4	11,8	11,7	11,3	10,8	10,6

Манба: Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтишидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 37-б.

Ушбу жараён ижобий ҳолат ҳисобланиб, иқтисодиётитмизга модернизациялаш лойихаларига узоқ муддатли инвестициялар киритилаётганини кўрсатади, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий оқибатлари таъсирини камайтирувчи ва юмшатувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикаси Президента И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, “... ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойихаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда”.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимида Россия, Швейцария ва Туркия етакчи ўринларни эгалламоқда.


2.2.2-чизма



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Хорижий инвестиция билан очилган корхоналар сони бўйича эса Россия, Туркия ва Буюк Британия асосий ўринларни эгалламоқда

2.2.3-чизма



Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицииларда давлат кафолатининг камайиб боришини хорижий инвесторларда республикамиизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга,

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат томонидан иқтисодий манфаатли бўлмаган лойиҳаларни молиялаш тўхтатила бошланди. Хукумат томонидан фақат иқтисодий манфаат чегараланган ёки умуман бўлмаган ижтимоий-муҳим лойиҳалар кафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғликни сақлаш, транспорт ва алоқа инфраструктураси соҳаларидаги лойиҳалардан иборат.

Хорижий инвестицияларнинг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, махсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар ҳамда преференциялар тақдим қилиш асосий омиллар бўлди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар жадаллашди. Бунда, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишга кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш кабиларга қаратилди. Хусусан, дунёning қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алокалар жадал ривожланаётган, қўшма инвестицион лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилаётган ёки кўзда тутилаётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичларида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолган ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга қаратилган хукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши тармоқ эҳтиёжига нисбатан пастроқдаражада сақланиб турибди.

2.2.4-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби, жамига нисбатан %ҳисобида

Иқтисодиёт соҳалари	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
I. Ишлаб чиқариш соҳаси	93,0	90,0	85,0	86,8	82,7	89,5	84,3	92,6	92,5
Саноат	62,4	69,4	69,6	46,1	39,0	46,4	41,3	57,7	57,3
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	4,6	4,9	6,1	4,0	0,7	3,0	5,2	3,7	4,3
Қурилиш	—	0,02	0,01	-	-	0,3	1,3	4,8	4,4
Транспорт ва алоқа	24,7	14,2	7,3	32,9	37,8	38,6	30,9	25,3	25,5
Савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти	0,1	0,2	0,1	1,0	0,3	0,9	0,8	0,8	0,7
Ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа объектлари	1,2	1,3	13,5	2,8	4,9	0,2	4,7	0,7	0,3
II. Ноишлаб чиқариш соҳаси	7,0	10,0	15,0	13,2	17,3	10,5	15,7	7,4	7,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

Сўнгги йилларда қўшма корхоналар тузиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар

давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб беради олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил килиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;
- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспортқилиш эвазига мамлакатга қадри баланд валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Ғарб экспертлари хулосасига кўра, чет эл кредитлари ва инвестицияларини қонунчиликдаги ўзгаришлар, солик сиёсати ва бошқа хатарлардан суғуртавий ҳимоялаш чет эл сармоясини гаров суммасидан 3-4 марта кўп миқдорда жалб қилиш имконини беради.

Хозирда Ўзбекистон иқтисодиётига ўзлаштирилаётган чет эл инвестициялари кўлами минтақаларда мавжуд экспорт имкониятларига (табиий-иктисодий, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари) нисбатан анча паст даражада бўлмоқда. Мавжуд ҳолат сабабини қўшни Афғонистонда давом этажада фуқаролар уруши каби ташқи омиллар билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, хорижий сармоядорлар нафақат мамлакатдаги ички сиёсий барқарорликни, балки қўшни давлатлардаги мавжуд ҳолатни ҳам алоҳида эътиборга олишади. Шу нуқтаи назардан қараганда, яқин истиқболда (2005-2008 йиллар) иқтисодиётга хорижий инвестицияларни йўналтиришда мавжуд ташқи омиллар сезиларли даражада салбий таъсир қилди. 2008-2010 йиллар мобайнида ички ва ташқи сармоя манбаларини жалб этиш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан етарли ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга эришилади. Бу эса мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни

таъминлагани ҳолда, минтақаларга чет эл инвестицияларини янада кенг миқёсда ўзлаштиришга имкон беради.

Пировардида барча минтақалар ўз экспорт имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда юқори сифатли, рақобатбардош хамда замонавий маҳсулотлар билан жаҳон бозордан муносиб ўрин ола бошлайди.

Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда, янги иш ўринларини яратишда, давлат бюджетининг даромад қисмини соликлар билан таъминлашда қўшма корхоналар муносиб ўрин эгаллади. Шу сабабдан юртимиизда хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни рағбатлантириш орқали қўшма корхоналарни барпо этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Ҳозирги кунда қуйидаги иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўйича қуйидаги самарали фаолият юритаётган қўшма корхоналарни мисол қилиб келтириш ўринлидир:

- Нефть ва газ – Лукоил, ГазПром, СНПС (ХХР), КОГАЗ (Корея).
- Енгил саноат – Даевоо Техтиле, Вимм-Билл-Данн (7.3 млн. \$ инвестация).
- Озиқ-овқат саноати – Нестле, БАТ, Балтисс Беверагес Гр. Соса-сола сорп.
- Курилиш материаллари - Кнауф, Бентонит, Акфа пласт.
- Автомобиль саноати – ГМ Узбекистан, Мерседес, Исузу.
- Банк соҳаси – АБН Амро, УТ, Савдогар банк, УзКДБ ва Садерат Иран.
- Таълим соҳаси – ВИУТ, Сингапуре БС, ва бошқалар.
- Электротехника – Деуцче Кабел АГ, ЛГ, Роисон Гроуп.
- Телекоммуникация – МТС, Билайн (Вўмпелком), Уселл.

Асосий инвесторлар – Россия, Корея, АҚШ, Буюк Британия, Туркия ва Германия, ЕИ ҳисобланади.

Чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналарни ташкил этилиши натижасида миллий иқтисодиётидаги бир қатор иқтисодий-ижтимоий муаммолар ўзининг ечимини топади. Жумладан,

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги илғор технологиялар билан жиҳозлаш асосида ишлаб чиқариш даражасини ошириш;
- ишлаб чиқарилган махсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг сифатини такомиллаштириш ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш;
- аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш ҳамда иқтисодий даромадларини кўпайтириш;
- экспорт ҳажмини ошириш натижасида валюта тушумларини кўпайтириш;
- энг асосийси эса бюджетга тўлайдиган солиқлар, ижара мажбуриятлари ва бошқа тўловлар ҳисобига бюджет даромадларини шакллантиришга эришилади.

Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваломбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир.

2.3. Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасига тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилиш амалиёти таҳлили.

ЭИИХлар Ўзбекистон Республикаси учун ахоли фаровонлиги, ижтимоий-иктисодий тараққиёт, экспорт-импорт ва инвестициялар оқимини кўпайтирувчи омил ҳисобланади. Аслида, эркин иқтисодий худудлар маълум бир худуднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига хизмат қиласди. Жаҳондаги бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ЭИИХлар худудий тараққиётни тезлаштирувчи инструмент сифатида иқтисодиётга ижобий таъсир қиласди. Бундан шу худуддаги ахолининг даромадлари ошади, қўшимча иш ўринлари яратилади, ишлаб чиқариш сегменти ва хизматлар соҳаси кенгаяди. Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам ЭИИХлар ташкил қилиш имкониятлари мавжуд ва аллақачон шу масала юзасидан чора тадбирлар кўрила бошлаган…

“Навоий” ЭИИХ ни ташкил қилиш учун чет эл ва Ўзбекистон инвестициялари жалб қилинмоқда. Олдиндан қилинган ҳисоб-китобларга кўра 2009-йил давомида худудга киритиладиган инвестициялар **900 млн \$** гача оширилиши кутимоқда. Бу инвестицияларнинг барчаси жами 40 га яқин лойиҳаларга сарфланади. Юқоридаги лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида худудда жами товар ишлаб чиқариш қуввати йилига **1,5 млрд \$** етади ва бундан 1млрд \$ га яқини экспортга чиқарилади²⁰.


2010 йилда “Навоий” еркин индустриал-иктисодий зonasи худудида хорижий инвесторлар билан еришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

2009 йил 5 марта Ж.Кореяning Сэул шаҳрида “Навоий” ЭИИХ – чет эл ҳамкорлари учун янги инвестицион имкониятлар” номли конференция бўлиб ўтди ва унда жами 1300 дан ортиқ чет эл компаниялари вакиллари қатнашдилар. Конференция сўнгига нефт-газ, кимё саноати, автомобилсозлик учун компонентлар, тайёр текстил маҳсулотлари, фармоцевтика маҳсулотлари, техник кремний, архитектуравий ойна, керамикали плиталар ва санитарли керамикалар, курилиш моллари, сенвич панеллар, мабел маҳсулотлари, энергияни тежовчи лампалар, электр-маишӣ техникалари, ракамли телевидения маҳсулотлари каби соҳаларда фаолият юритувчи корхоналарни ташкил қилиш борасида Австрия, Германия, Хиндистон, Италия, Хитой, Корея, БАА, Сингапур ва бошқа давлатлар билан жами 600 млн \$ лик 37 та битим имзоланди.

2.3.1-чизма

²⁰ www.ia-jahon.uz/ сайт маълумотлари

“Навоий” ЭИИХ худудида 2009-2010 йилда киритилган инвестициялар



Манба: www.ia-jahon.uz/ сайт маълумотлари.

“Навоий” ЭИИХ ни ривожлантириш йўлидаги яна бир катта қадам 2009 йил 21-23сентабрда қўйилди. Йилнинг шу санасида Ўзбекистонда ЭИИХ га инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш ва янги лойиҳалар ишлаб чиқиш борасида халқаро конференсия ўтказилди. Ушбу конференциянинг асосий ташкилотчилари Ташки иқтисодий алоқалар инвестиция ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бир қатор ташкилотлар хисобланади. Конференция қошида ўтказилган форумнинг бош мақсади “Навоий” ЭИИХ худудида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун фойдали инвестициялар жалб қилишдан иборат. Мехнат вазирлиги ахборот марказининг хабар беришича, конференцияда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва чет эл корхоналари ўртасидаги музокаралар натижасига кўра қўйидаги соҳаларда ўзро ҳамкорлик тўғрисида хужжатлар имзоланди: нефт-газ, ёқилғи-енергетика, фармацевтика, енгил саноат, текстил, озиқ-овқат, кимё, электротехника, машинасозлик ва бошқа соҳалар. Конференция давомида чет эл корхоналари ва йирик инвесторларга “Навоий” ЭИИХ да ташкил қилинган кулай шарт-шароитлар, юкори имкониятлар ва инвестицион муҳит ҳакида тўлиқ маълумот берилди. Осиё тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки юкорида таъкидланган қулай бизнес муҳити ва инвестицион иқлимини эътироф этиб ўтдилар. Конференция сўнггида инвесторлар ва бир қатор бизнесменлар доирасида бир нечта муҳим шартномалар ва лойиҳалар имзоланди. Шубҳасиз бу тадбир “Навоий” ЭИИХ ни ривожлантириш йўлидаги улкан қадам бўлди, десак хато бўлмайди.

2010 йилда худудда амалга ошириладиган лойиҳалар жами 100-120 та ва умумий инвестицияларнинг сарфи esa 5,5 млрд \$ дан ортиқ бўлиши лозим.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга киритилиши йилига жами **7,5- 8 млрд \$**лик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ундан **5 млрд \$** гача экспорт қилиш имконини беради²¹.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, “Навоий” ЭИИХ барпо қилишга асос бўлган энг муҳим фактор бу худуднинг муҳим транспорт йўллари устида жойлашганлигидир. Навоий аэропорти ва трансконтинентал интермодал логистика маркази бешта йирик барқарор бозорларнинг (Осиё ва Европа) марказида жойлашган бўлиб, бу бозорларни ўзаро боғловчи ҳалқаро бозорларни (марказ) ташкил қилиш учун асос бўла олади. Чунки, “Навоий” ЭИИХда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги уларни 44 дан ортиқ мамлакатлар ва ЕИИХ лар ҳамда 12 та МДҲ давлатлари билан савдо алоқаларини йўлга қўйишига замин яратади. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида мамлакатлар ўз ички иқтисодиётини ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини қўллаётган бир даврда мамлакатимиз худудида кам харажатли транспортировка ва имтиёзли бизнес шароитларини яратиб рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатимиз экспорт салмоғини оширади ва ички бозорни қондиришга хизмат қиласи. Сифатли ва арzon маҳсулотларни ишлаб чиқариш инқироз пайтида иқтисодий танг ҳолатга қарамасдан уларнинг савдосини бир хил темпда сақлайди. Шу сабабли ҳам кўплаб мутахассис ва экспертларнинг “Навоий” ЭИИХ ини ташкил этилиши инқирозга қарши ўзбекларнинг жавоби дея билдирган эътирофи нақадар тўғри эканлигини кўрамиз.

Бугунги кунда “Навоий” ЭИИХ да иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида чет эл корхоналари ва инвесторлари билан ўзаро шартномалар имзоланди. Бу кабиларга қуйидаги шартномаларни мисол қилишимиз мумкин²²:

²¹ www.uzapi.gov.uz сайт маълумотлари.

²² The Embassy of The Republic of Uzbekistan in Latvia, , [СИЭЗ "НАВОЙ": ПОЛГОДА ПОСЛЕ СТАРТА](#) Понедельник, 24 августа, 2009 г.

- “Узбекнефтгаз” &BlitixCo.Ltd. компаниялари ўртасида автогаз тўлдирувчи компрессорлар ва автогазбалонлар ишлаб чиқариш борасида;
- “Honam Petrochemical” билан ҳамкорликда пластик маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида;
- “Dong Ho ENS Co. Ltd.” билан ‘лекtron газ ҳисоблаш маҳсулотлари бўйича;
- шу билан бирга “Узэлтехсаноат”, “Orion Communication”, “Deyban Fostes”, Dong Seun Korea”, “Hanjin Logistics”, Италиянинг “T&T system”, Хитойнинг “Tianye”, “Bayhayhuimin”, “Tian Jin Ping Top Petroleum Manufacture” каби йирик корхоналари билан амалга оширилган йирик лойиҳа ва шартномалар амалдаги ишлар салмоғини белгилаб беради.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, 2009 йилнинг 10-12 май кунлари Ж.Кореянинг президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи Ўзбекистон ва Ж.Корея ўртасидаги стратегик ҳамкорликка янги суръат берди. Ташриф давомида бир қанча иқтисодий-ижтимоий масалалар кўриб чиқилди ва Навоий ЭИИХни ривожлантириш масаласи асосий кун тартибидаги масалалардан бири бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, Жанубий Кореянинг энг йирик банкларидан бир ҳисобланмиш “Eksimbank” Ўзбекистоннинг “Асака” банкига \$ 270 млн. кредит ажратди ва бу кредитнинг \$ 200 млн.и айнан “Навоий” ЭИИХ ига ажратилди.

Яна бир муҳим янгилик сифатида 2009 йилнинг 10 октябрида Президентимизнинг Уммон давлати султони Султон Қобус бин Сайд билан бўлиб ўтган Уммондаги расмий учрашувини келтиришимиз мумкин²³. Учрашув давомида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда турли келишув ва меморандумлар имзоланди. Айнан “Навоий” ЭИИХ да мева-сабзавотларни

²³www.ia-jahon.uz/«Оманобсервер» - «Узбекистан-Оман: новая веха в двусторонних отношениях»
06.10.2009

сақлаш ва қайта ишлаш бўйича бир нечта муҳим лойиҳаларга имзо чекилди. Бундан ташқари яна тоғ-кон, кимё, оғир ва енгил саноат, фармоцевтика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, инвестицион ва ахборот ҳамкорлиги соҳаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб битим ва келишувларга имзо чекилди.

2.3.2-чиизма



Манба: www.ia-jahon.uz/ сайт маълумотлари.

“Навоий” ЭИИХ нинг асосини ташкил қилувчи ўзак восита бу транспорт логистика маркази(хаб)дир. Бу хаб МДҲ давлатларида ягона трансконтинентал мултимодал маркази бўлиб, муҳим темир йўл, автомобил ва ҳаво йўлларини бирлаштиради. Ҳозирда “Навоий” ЭИИХ орқали ўтувчи Навоий-Учқудук-Нукус янги темир йўл линияси қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари Марказий Осиёдаги энг йирик учиш йўлакчасига(4 км) ега бўлган Навоий марказий аэропорти Жануби-шарқий Осиёни Европа, Шимолий ва Жанубий Америка регионлари билан боғлайди. Зеро, бундай йирик регионларни бирлаштиrb турувчи бу логистик хаб унга яқин худдуда жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига

сайёхларнинг ташрифини қулайлаштиради ва туризмга янада катта стимул беради. Юқоридагиларни хulosалаб шуни таъкидлаш жоизки, “Навоий” ЭИИХ ни ташкил қилиш лойиҳаси ўз фаолиятини бошлаганига кўп фурсат ўтмай бу оқилона қўйилган қадам ўз самарасини бермоқда.

“Навоий” ЭИИХда ташкил қилинажак лойиҳаларга 2010йил бошига қадар жами 1 млрд. \$ га яқин чет эл инвестицияси киритилган бўлиб, бу режа қилинганидан икки баробар ортиқ демак. 2010йилда эса бу ҳажм 5,5 млрд. \$ га етказилиши қутилмоқда. Ундан ташқари ЭИИХда 2010йилда ишлаб чиқариш кенг миқёсда йўлга қўйилади ва шу йили 1,5 млрд. \$ лик қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилади ва унинг 1 млрд. \$ га яқини экспортга чиқарилади. Бу тахминий ҳисоб-китоб бўлишига қарамай, режа аниқ ва чуқур таҳлиллар асосида қилинган. Бундан келиб чиқадики, агар маҳсулотлар ҳажми юқоридаги суммага яқин бўлса, Ўзбекистон ЯИМи “Навоий” ЭИИХ ҳисобига камида 4,8 % га ортади. Бу эса чинакамига иқтисодий сакрашнинг бошланиши демакдир. Бу нафакат инқироз оқибатларини бартараф этиш йўлидаги енг катта қадам бўлади, балки келажакдаги Ўзбекистон иқтисодий истиқболини янада юксак кўтарувчи устун бўлиб хизмат қиласди.

ЭИИХнинг ташкил қилиниши Республикализ иқтисодий соҳасида катта сакраш қилиши мумкин. Бундан оқилона фойдаланиш лозим, албатта. Ҳозирда бутун дунё глобал инқирознинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларига қарши кўрашиш билан банд. Навоийда ташкил қилинаётган ЭИИХнинг фаолиятини ҳам шу борадаги қўйилган қадам десак, хато қилмаймиз. Чунки бу нарса иқтисодий фаолликни кучайтириш билан бирга аҳоли фаровонлиги даражасини оширади, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва айни вақтда ишсизликни камайтириш ҳамда инфраструктураларни янада тараққий эттиришга хизмат қиласди (2.3.2-чизма). Масалан, Навоийда қурилиш материалларидан керамикали плита, санфаянс, тошли мураккаб контурли маҳсулотлар, архитекурний ва безекли ойналар, газобетон,

пенобетон, пеноойна ва пеноизол кабиларга бўлган кучли талаб кризис пайтидаги юқори божхона тарифлариға қарамасдан 1,5-2 йил давомида экспорт қилиш имконини беради. Чунки МДХ давлатлари ва Европа давлатларининг қўпида бундай конлар мавжуд эмас ва улар тўлалигича буларни экспорт қилишга мажбур. Бунинг яна бир сабаби бундай турли конларнинг қўпи факат Республикаиз ҳудудида мавжуд. Масалан Навоий мармарлари дунёда биринчи ўринда туради. Бу каби имкониятлар инқирозга қарши қўраш омили бўлмиш Навоий ЭИИҲсини ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширади.

Эркин индустрисал-иктисодий зонанинг муваффақиятини белгиловчи энг муҳим жиҳатлардан бири – бу унинг ёнида жойлашган трансконтинентал интермодал хаб бўлиб, у 2009 йил январидан бўён юк ташиш бўйича дунёда етакчи саналган “Кореан Эйр” компанияси томонидан бошқарилмоқда. Албатта, бу тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга кириб келишини сезиларли даражада ошишига замин яратади.

Автомобиль, темир ва ҳаво йўлларининг энг муҳим чорраҳасида жойлашган Навоий шахри аэропорти Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Европа қитъаси мамлакатлари билан боғлайди. Яқин вақт ичida Навоий шахри аэропорти ҳаво қатнови орқали Осиё ва Европанинг Сингапур, Дехли, Бангкок, Франкфурт ҳамда Милан каби йирик шаҳарлари билан боғланади. Эркин индустрисал-иктисодий зона ҳудудида маҳсус солиқ, божхона ҳамда валюта режимлари, резидент бўлмаганлар учун кириш ва чиқиш, ишлаш учун рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади. Бундан ташқари, ер солиги, мулк солиги, даромад солиги, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиги, ягона солиқ тўловидан озод қилиш каби чоралар кўзда тутилган. Ҳозирда инвестицион лойиҳалар, асосан нефть ва нефть-газ, газ ва газ-кимё, тўқимачилик, электротехника саноати,

ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, туризм соҳаларидаги аниқ соҳаларида тузилмоқда. Навоий шаҳрида эркин индустрисал-иктисодий зонанинг ташкил этилиши билан Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортиб, таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бу нафақат Корея компаниялари, балки бошқа мамлакатлар ишбилиармонларининг фаоллигини оширишга хизмат қиласди.

Ўзбекистоннинг денгизга чиқадиган йўли йўқ. Лекин Навоийдаги логистик хаб лойиҳасини амалга ошириш орқали мазкур камчиликни енгиб ўтиш мумкин. Бу ерда автомобиль ва темир йўллари ҳаво йўллари билан уйғунлашади. Бу эса Ўзбекистонга иқтисодий тараққиёт борасида жиддий силжишга эришиш имконини беради. Бу – мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки берди. Навоий шаҳридаги эркин индустрисал-иктисодий зона кўплаб хорижий фирма ва компанияларни жалб қилиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади. Мамлакатингиз юқори малакали инсон ресурслари, ер ости табиий бойликлари ҳамда Марказий Осиёдаги қулай жўғрофий жойлашувга эга. Навоий инвесторлар учун энг жозибали жойга айланишига умид қилинмоқда. ЭИИХ қурилида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкори — Корея республикаси янги технологияларга эга, Ўзбекистон эса уларни ҳаётга тадбиқ этиш истагида. Агар биз мана шу икки жиҳатни бирлаштира олсак, бундан икки томон ҳам ютади. Юқори малакали инженер-техник кадрлар, такомиллашган қонунчилик базаси, арzon нарҳдаги муҳандислик-энергетика коммуникациялари Корея компанияларини мазкур бозорга жалб қилувчи омиллар ҳисобланади. Бошқа ижобий жиҳатлар шундаки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласди ва уларнинг ҳудудига ўз тайёр маҳсулотларини божхона тўловларисиз экспорт қилиш имконига эга. Ўзбекистон бой минерал ресурсларга эга бўлиб, сиёсий барқарорлик

шароитида инвестицияларни жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига энг янги технологияларни тадбиқ қилиш жараёни ҳам давом этади. Буларнинг бари яқин келажакда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатдаги ўсишини таъминлайди.

ш боб. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Эришилган ютуқлар билан бирга, ТТХИларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш борасида тўсиқ ва камчиликлар мавжуд. Бунинг яққол мисоли қилиб, инфраструктуранинг суст ривожланганлиги, Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини жаҳон ОАВларида рекламасининг йўклиги, инвестицияларнинг вилоятлараро тақсимотида юқори дифференциялашганлиги, валюта тўла конвертирашга эришилмаганлиги ва ҳ kz.ларни келтиришимиз мумкин). Шу нуқтаи назардан ҳам хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жонлантириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида қўйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:

1. Мамлакат инвестиция иқлимини яхшилаш ва муаммолар ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, худудий ҳокимликларининг мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, **кенг жамоатчилик ўртасида очиқ мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама мухокама этилиши лозим.** Шу асосда масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.
2. Хорижий инвестициялар оқимига таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида **маркетинг тадқиқотини заиф** олиб борилаётгани, натижада

кўплаб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборларда қолдиқ бўлиб қолаётганлиги кўрсатилмоқда. Бу муаммони фақат инвестицияларнинг ўзига боғлиқ, ечимини изламасдан, ахоли ва корхоналарнинг истеъмол қобилиятини кўтариш, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга иисбатан соғлом талаб даражасини ошириш нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида холис ва ишончли ахборот таъминоти ҳамон яхши йўлга кўйилгани йўқ. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентлари ташкил қилиниши лозим.

4. Хорижий инвестицияларни жалб килишнинг худудий таркибида нотекислик сақланиб қолмокда (З-Илова). Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустрисал минтакалар – Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойихалар молиялаштирилаётган Қашқадарё вилояти ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Сирдарё, Хоразм, Жizzах вилоятларининг улуши оз ҳисобланади.

Тахлиллар кўрсатишича, республика худудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қатор муаммолар мавжуд:

- инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги банклар, инвестиция фонdlари ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестициялойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги - худудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фолиятини ривожлантириш;

3.1.1-жадвал

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг минтакавий таркибининг ўзгариши, (%)

	2001	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қорақалпогистон Республикаси	1,7	1,6	2,8	8,4	5,1	6,1	0,5	1,6	0,3
Андижон вилояти	1,1	4,6	4,9	1,8	3,7	2,5	1,1	3,4	5,4
Бухоро вилояти	2,1	1,0	2,9	4,8	4,1	3,8	36,0	11,7	1,4
Жиззах вилояти	3,4	4,4	0,1	1,2	0,7	1,9	0,4	1,1	1,3
Қашкадарё вилояти	25	24,4	16,9	9,5	7,9	17,7	16,7	31,7	35,0
Навоий вилояти	5,8	11,8	3,5	1,4	7,8	0,8	0,5	2,9	0,2
Наманган вилояти	0,9	2,7	3,7	1,6	1,9	1,7	1,1	2,6	1,9
Самарқанд вилояти	3,4	2,4	1,9	3,5	5,2	4,0	1,1	2,2	2,4
Сурхондарё вилояти	1,0	0,3	0,2	2,4	1,6	1,7	0,9	5,0	0,9
Сирдарё вилояти	0,9	1,5	0,4	2,1	1,4	2,3	0,2	0,6	2,9
Тошкент вилояти	8,7	7,4	8,9	10,6	8,1	6,3	3,6	3,4	9,6
Фаргона вилояти	4,5	14	22,8	2,3	2,4	3,1	1,4	4,9	4,1
Хоразм вилояти	1,5	2,7	10,2	3,7	1,4	4,6	1,9	0,8	0,5
Тошкент шаҳри	39,8	21,1	20,8	46,7	45,7	43,7	34,9	28,1	34,1
Тақсимланмаган	-	0,1	-	-	3,0	-	-	-	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

- инвестиция таклифлари ва лойиха техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги – тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишида тижорат банклари, худудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа маъсул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;
- лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги – инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;
- маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги – хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий

матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил хом-ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича “Вилоят инвестиция салоҳияти” вэб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар (республика ҳудудида ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш.

- Айrim корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишдаги мавжуд муаммолар:
 - Хом-ашё сотиб олишга айланма маблағлар етишмаслиги – корхонанинг молиявий-иқтисодий ахволини ўрганиб чиқиб, уни молиявий соғломлаштириш, қарзларини реструктуризация қилиш бўйича мувофиқлаштириш ишларини олиб бориш орқали 2011 йил экспорт истиқболини бажаришга амалий ёрдам кўрсатиш;
 - Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом-ашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик, ва б.) – ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлик масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;
 - Инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан, корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги – экспортёр корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;
 - Технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги – технологик асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этишини таъминлаш, тежамкор технологияларни танлаш ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
 - Корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва

харидорлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг, малакасининг етарли даражада эмаслиги – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишлиган ўқув мвшғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни муентазам йўлга қўйиш лозим.

5. Кўшма корхоналар фаолият юритишдаги яна бир муҳим муаммо бу **миллий валютамиз сўмни барқарорлиги ва мустаҳкамлиги** билан боғлиқдир. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бугунги энг муҳим вазифа валютамизни бакувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш - умуммиллий вазифа. Республикаиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ»²⁴.

Бу муаммони ижобий ҳал қилиш бўйича республика ҳукумати томонидан катор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, яъни республикада валюта сиёсатини эркинлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Хусусан, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чукурлаштириш, биржадан ташқари валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш ишлари бажарилмоқда. Қилинаётган ишлардан асосий мақсад эса жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга эришишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун:

- биринчидан, миллий валютанинг тўла конвертациялашувига ўтиш жараёни ижобий кечишини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурсларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш;
- иккинчидан, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шахобчалари сонини кескин кўпайтириш, шу тариқа айрибошлаш шахобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш;
- учинчидан, айирбошлаш шахобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ўсишини инобатга олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни боскичма-боскич камайтириб бориш зарур²⁵.

Миллий валютани эркин конвертирувчида эришиш қийин масала ҳисобланади ва у иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ҳамда пул – кредит ва валюта сиёсатини такомиллаштиришни талаб қиласи. Чунки дунёning ҳамма мамлакатлари ҳам эркин конвертиранадиган валютага эга эмас. Миллий валютанинг қадрини ошириш учун ҳар бир давлат ўз худудида валютани тартибга солиш усуллари билан миллий валютани бошқа валюталарга эркин айирбошланишини

²⁴Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.:Ўзбекистон, 1995, 200-б.

²⁵Бозор, пул ва кредит. Каримов Н., Юсупов Н., Хорижий инвесторлар иштирокидаги лойищаларни молиялаштириш. 2001, 6-сон, 53-б.

таъминлайдиган барча шарт-шароитларни юзага келтириши шарт. Бир қатор давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин конвертацияга фақатгина иқтисодиётнинг маълум бир ривожланиш босқичида эришилади. Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизимининг шаклланиши мустақилликка эришилгандан сўнг 1991 йилда “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингандан сўнг юзага келди. 1992 йилдан хозирги қунгача Марказий банкнинг фаолияти асосий йўналишлар сифатида миллий валютани муомалага киритиш учун шарт – шароитлар яратиш ва миллий валютани қадрини ошириш танланди. 1993 йилда “Валютани тартибга солиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши билан Марказий банк томонидан валютани тартибга солиш бўйича қайтадан амалий меъёрий – хуқуқий база яратилди. Бу қонун Марказий банк миллий валюта қадрини ошириш учун валюта захираларини ташкил этилиши ва сўмнинг ички конвертациясини таъминлаш учун ички валюта бозорини ривожлантиришини белгилаб беради. Валюта захираларини шакллантириш ниҳоясига етмаган шароитда, валюта бозорини ривожлантириш мақсадида Марказий банк, молия вазирлиги билан биргаликда 1994 йили республика корхоналарининг экспортдан тушган тушумларининг 15 фоизини мажбурий сотишини тасдиқлади. Бу вақтда мазкур мажбурий сотувдан ташқари экспортдан тушган тушумдан олинадиган 15 фоизли солик ҳам мавжуд эди.

Хозирги вақтда импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш технологиясини ва республикага биринчи даражали халқ истеъмоли моллари олиб келинишини таъминлайдиган корхоналарга ички валютага устивор тарзда конвертирашнинг ишлаб чиқилган механизми амал қилмоқда. Бундан ташқари, республика хукуматининг қарорига мувофиқ, чет эл инвестицияси иштирокидаги экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга сўмдаги маблағларни эркин айрбошланадиган валютага ўз вақтида конвертираш, шу жумладан,

чет эл таъсисчиларига тегишли улушнинг фойдасини ва дивидентининг конвертирланиши кафолатланган. Валюта операцияларини ва валюта бозорини ривожлантиришдаги кейинги қадам бўлиб, корхоналарнинг валюта тушумидан Марказий банкка 30 фоизлик мажбурий сотиш бекор қилинди ва бунинг ўрнига валюта бозорини эркинлаштирувчи, биржадан ташқари валюта бозори юзага келтирилди. Бу – ваколатли банкларга талаб ва таклифдан келиб чиқиб, мустақил равишда айирбошлаш курсларини ўрнатиш имкониятини яратди. Ваколатли банкларнинг биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ўтказишининг манбаси бўлиб, корхоналарнинг 30 фоизлик мажбурий сотишидан ташқари, уларнинг ўз ресурслари ҳамда мижозларининг чет эл валютасидаги депозитлари ва бошқа жалб қилинган маблағлари ҳисобланади. Миллий валютадаги вакиллик алоқаларни ривожлантириш бевосита халқаро савдо алоқаларида миллий валюта – сўмдан кенг миқёсда фойдаланишга асос бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо тизими ва энг юқори даражада қулайликлар яратилишини кўзда тутувчи битимлар имзоланган давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан миллий валютада товарларни экспорт ва импорт қилиш учун республика корхона ва ташкилотлари томонидан шартномалар имзоланишини мақсадга мувофиқ холда амалга ошишини таъминлаш халқаро молия муносабатлари тизимининг ажралмас қисми бўлган валюта операцияларининг самарасини оширишга имконият беради.

6. Хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни, уларнинг барча ҳужжатлари, техник иқтисодий асосини сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқарувчи **профессионал лойиҳа инжиниринг компанияларининг саноқли эканлиги ва яхши ривожланмаганлиги**, уларнинг малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди.

Ушбу компаниялар томонидан қўрсатилаётган хизматлар талаб даражасида эмас. Улар хорижий молиявий институтлар шартларига мос келмайди, уларнинг экспертизада лойиҳанинг асосланмаган томонлари-камчиликлари кўзга ташланиб қолмоқда. Бу лойиҳа ҳужжатларининг асосли равища тайёрланмаганлиги, ҳисоб-китобларда ноаниқликлар мавжудлиги билан изохланмоқда.

7. Республикадаги сиёсий ҳаётга бўлган **ташқи таҳдиднинг сақланиб келаётганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда**. Шу ўринда Республикамиз президенти И.А.Каримовнинг ушбу сўзларини эслаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз: «Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда, фарқ фақат шундаки,

эндиликда «совук уруш» асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик, барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халкаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда²⁶. Мамлакатдаги тинч ҳаётга таҳдид солаётган минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, коррупция ва жиноятчилик каби хавфлар республикамизда фаолият юритаётган инвесторларда мамлакатимиздаги инвестицион ҳолатга нисбатан салбий муносабат шаклланишига олиб келиши мумкин.

8. Аҳоли иқтисодий саводхонлик даражаси талаб даражасида эмаслиги, жамиятнинг хорижий инвесторларга бўлган муносабатининг етарли даражада шаклланмаганлиги аҳолида, маҳаллий ишбилармонларда хорижий инвесторларга бўлган жиддий муносабатнинг шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда. Кўпгина ишбилармонлар, хорижий капитал иштирокида маълум бир лойиҳани амалга ошироқчи ва ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган маҳаллий тадбиркорларда хорижий инвесторларга бўлган эскича муносабат ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Бу собиқ иттифоқ салбий асоратларидан бири ҳисобланади. Яъни кишиларда чет давлатдан келган шахслар (жумладан инвесторлар) ҳар томонлама юкори даражада ривожланган ва айниқса иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкам, деган фикр сақланиб келмоқда. Хорижий инвесторлардан маблағларни иложи борича қўпроқ жалб этиш, инвестиция қайтишига катта аҳамият бермаслика интилиш кучли бўлмоқда.

Хорижий инвесторлар маблағлари бу кичик ва ўрта бизнес субъектларига бериладиган бегараз инсонпарварлик ёрдами эмас. Шунинг учун ҳар бир тадбиркор лойиҳанинг молиявий режасини тузишда хорижий инвестор ўрнида ўзини ҳис қилиши ва шунга яраша маблағлар харакати прогнозини тўғри хисоблаб чиқиши зарур. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестор ҳам маҳаллий ҳамкорга ўхшаб, маълум вақтдан сўнг фойда олиш мақсадида маблағларини маълум бир соҳага жойлаштиради. Агар у инвестиция рентабеллигига эришмаса, лойиҳадан кўзланган фойдани олмаса, хорижий инвесторнинг лойиҳага бўлган кизиқиши сусаяди. Бу бошқа инвесторларнинг республикамизда кичик ва ўрта бизнес соҳасига бўлган фикри, муносабатига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунингдек, республикамизда ўз иш фаолиятини амалга ошироқчи бўлган хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Хорижий инвесторларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги, жумладан, кўшма корхона низом жағармасига ўз вақтида бадалларни киритмаслиги, бадал киритиш ва асбоб-ускуна етказиб бериш бўйича кафолатларни ўз вақтида тақдим этмаслиги, асбоб-ускуна етказиб бериш ва монтаж қилишда камчилик ва хатоларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд.

9. Мамлакатда телекоммуникация ва алоқа тармоқлари жаҳон стандартларига жавоб беради олмаслиги, реклама-ахборот таъминотидаги тақчиллик мавжудлиги ҳам хорижий инвесторлар фаолият юритишига муайян тўсиқ бўлади.

Ушбу муаммони барҳам топтириш максадида президент фармонида “ахборот тармоғини ҳамда устувор инвестиция таклифларини ва мамлакатимиздаги ва чет элдаги потенциал шериклар тўғрисида ягона маълумот базасини яратиш”²⁷ белгилаб берилган. Алоқа борасидаги муаммоларни ечишда амалий қадам сифатида 1992-1996 йилларда телекоммуникацияларни тиклаш ва ривожлантириш маҳсус дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишда Жанубий Кореяning «Samsung» ва «Daewoo» компаниялари фаол иштирок

²⁶«Халқ сўзи» газетаси, Бобоев А. мақоласи. Жаҳоншумул ташаббуслар ва самарали учрашувлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити» деб ном олган сессиясидаги нутки) 2000 йил 12 сентябрь.

²⁷Ўша манба.

этди. Натижада, халқаро алоқаларнинг илгари ишлаб турган 13 линияси ўрнига 150 дан ортиқ линияси ташкил этилди. Улар туфайли 6 та Европа мамлакатлари ва Япония билан бевосита алоқа ўрнатилди²⁸.

10. Махсулот бозори, нуфузли рақобатчиларнинг нарх ва ишлаб чиқариш сиёсати, ҳом ашё материалларига бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик холатни баҳолаш бўйича **маълумотларнинг етишмаслиги** жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

11. Мамлакатда қулай инвестицион фаолиятни яратиш бўйича амал қилиб келаётган қонуний-хукуқий база, хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларни **тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари суст** кечмоқда. Жойлардаги хукукни муҳофаза қилиш муассасалари томонидан республикада инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва ҳимоя қилиш қонуний базасининг тўғри амалга оширилишини суст назорат қилиш ҳолатлари учрамоқда.

12. Хорижий инвестициялар фаолияти тўғрисидаги **қонуичиликда ҳам қатор муаммо ва камчиликлар** мавжуд. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида «чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари талабига риоя этган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равиша амалга оширадилар. Ўзлари ишлаб чиқарган махсулотни экспорт қилгандаридан бундай махсулот лицензияланмайди ва квоталанмайди»²⁹, дейилган. Бизнингча, бу ерда биргаликда ишлаб чиқарилган махсулотнинг қайси қисми лицензияланмаслиги ва квоталанмаслиги тўғрисида аниқлик киритиш зарур.

13. Кўшма корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишидаги **тўсиқлар кўп** ва рўйхатдан ўтказиш **кўп вакт** талаబ қиласди.

Ҳар қандай хорижий инвестор кўшма корхона ташкилқилишдан аввал бу тадбир ўзи учун қандай ва қанча иқтисодий самара беришини тахмин қилиб кўради. Агар инвестор ихтиёридаги бойлик бирламчи иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона тузишга рози бўлмайди. Демак, хорижий инвесторлар учун бошқа давлатлардагига қиёслаганда шундай иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришимиз керакки, пировардида, улар ҳам, биз ҳам иқтисодий-ижтимоий самара олайлик. Бунинг учун биз, аввало қўшма корхоналар учун иқтисодий инфратузилмани такомиллаштиришимиз лозим.

Четдан жалб қилинаётган маблағларнинг етарли даражада самарали эмаслиги ва кейинги пайтда кузатилаётган унинг янада пасайиш хавфи жавоб чораларини кўришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва Статистика вазирлиги маълумотига кўра, 1999 йилда асосий сармояга қилинган инвестициялар 503 миллиард сўмни ташкил этди, шунинг 23 миллиард сўми чет эл инвестицияларидир.³⁰ Шу мунособат билан чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўлларини белгилаб олиш жуда муҳимдир. Инвестицияларнинг у ёки бу мамлакат иқтисодиётига кириб келиши иқтисодий ва ижтимоий тараккиётнинг ўзига хос катализатори бўлиб хизмат қиласди.³¹ Гап факт унинг базасида янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда эмас, гарчи бу жуда муҳим бўлса ҳам. Лекин, инвестицияларнинг илгари етарли даражада ишлатилмаган табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат потенциалларининг хўжалик жараёнига қўшилишини жадаллаштирувчи омил

²⁸“Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг роли” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДИУ, 2005.

²⁹Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Чет эл инвестициялари тўғрисида» 1998 йил 30 апрел.

³⁰Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ва Статистика Қўмитаси маълумотлари.

³¹Хикматов А. Иқтисодий ислощотларни эркинлаштириш ва инвестиция сиёсати. // Бозор пул ва кредит журн. 2000. №6. 49-40 б.

сифатидаги вазифаси мухимроқдир. Чет эл сармояси миллий ресурслар билан узвий қўшилган ҳолда илғор технологияларни қўллаш, ходимлар малакасини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни жадаллаштириш асосида юқори интеграл самара беради.

Чет эл сармоясидан фойдалансада, ҳар қандай мамлакат аввало ўз иқтисодиётини мустақил иқтисодиёт сифатида ривожлантиришга интилади. Шундай қилиб, ушбу вазиятда маълум қарама-қаршилик мавжуд: миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини чет эл инвестицияларини жалб қилиш шарт-шароитлари билан қандай қилиб мослаштириш мумкин? Бу муаммони бутун бошли ташқи иқтисодий алоқалар турларини қўллаган ҳолда ҳал этиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бунинг учун ушбу масалага иккала томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва чукур мулоҳаза асосида ёндашмоқ лозим. Хорижий инвестицияларнинг ялпи инвестициялардаги ҳиссасини ушбу жадвалда кўришимиз мумкин.(*1-Илова*).

Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда ҳам, ишсизлик даражаси юқорилигича сақланиб келмоқда. Чет эл технологияси ва бошқарувнинг янги усусларини жалб қилиш орқали миллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши кутилмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси бундай ташқи таъсир юқори даражадалигини исботлаш учун етарли эмас, лекин тажрибага асосланган далиллар тахминича хорижий инвестициялар ишсизликни камайтиришга унча катта таъсир қилмайди².

Фарб олимлари Хансон ва Гаррисон (1995), Финстер ва Хансон (1996), шунингдек, Эйткен ва бошқалар (1996) сўнгги изланишлари шуни кўрсатмоқдаки, хорижий компаниялар ишга юқори малакали мутахассисларни жалб қилишади. Марказий Осиё регионида юқори малакали ишчи кучи орасида ишсизлик даражаси паст. Қўшма корхоналарда иш хақи миллий корхоналардагига нисбатан юқори даражада бўлганлиги сабабли миллий корхоналардаги малакали ишчи ва хизматчилар қўшма корхоналарга ишга ўтади. Миллий корхоналарда ишлаб чиқариш даражаси маълум даражада пасайиши ҳисобига қўшма корхоналардаги ишлаб чиқариш даражаси ошмоқда. Демак улар орасида тескари боғлиқлик вужудга келмоқда. Бу ерда шундай муаммо юзага келмоқдаки ишчи ва хизматчиларни малакасини ошириш, юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ошмоқда. «UzDaewooauto» қўшма корхонаси фаолиятига назар соладиган бўлсак, бу корхона 1996 йилда ишга тушди. Корхонада малакали мутахассисларга бўлган талабни кондириш мақсадида танлов асосида ишга қабул қилинган ишчилар Жанубий Корея республикасида «Daewooauto»нинг бош компаниясида ўз малакаларини ошириб келишди. Кўпчилик компаниялар «Daewoo» трансмиллий корпорацияси сингари кадрларга бўлган эҳтиёжини бу йўл билан қондира олмайди. Малакали кадрлар тайёрлаш ҳукумат даражасида ҳал қилиниши даркор. 1997 йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бу борадаги катта қадам бўлди.

Албатта, республикамида хорижий инвесторлар иштирокида амалга ошириладиган лойихаларни молиялаштиришда муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Инвестиция лойихаларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг барча босқичларининг муваффакиятли рўёбга чикиши хорижий инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилиш ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш истиқболларига боғлиқ. Республикада қулай инвестицион мұхитни шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолди.

Республикада хорижий фирмалар ва қўшма корхоналарни имтиёзли равишда соликка тортишнинг эътиборга лойикхукукий асоси яратилди, инвестиция ва тадбиркорликни ҳимоя қилишга доир бошқа

² Экономическое обозрение. Деверюкс Д. и Робертс Б., Прямые иностранные инвестиции и благосостояние в странах с переходной экономикой: на примере Центральной Азии. 1998, 3 ном, 49 стр.

чоралар кўрилди. Аммо, хорижий капитални жалб қилиш ҳозирча етарли эмас, хорижий капиталли компанияларни очиш ишида бир қатор камчиликлар мавжуд, валюта алмаштириш операцияларида номукаммаллик ва чекланганлик, тадбиркорлик учун инфратузилмани такомиллаштириш (йўллар, алоқа, юқори тоифадаги меҳмонлар ва бошқалар), қатор маҳаллий хўжалик тузилмалари томонидан имзоланган шартнома мажбуриятлари ва унга бўлган арбитраж йўклиги муаммоси - Республика иқтисодий воқелигининг бошқа салбий жиҳатлари хорижий инвестицияни жадал жалб қилиш ва уни зудлик билан яхлит эркин иқтисодий ҳудудга айлантиришга халақит бермоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда қўшма корхоналар фолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг муаммоларини қуидаги йўналишларга бўлиб ўрганиш ва уларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- хорижий инвестицияларга оид конунчиликни янада такомиллаштириш ва уларнинг амалиётда оғишмай бажарилиши;
- адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва баркарор юридик, иқтисодий шарт-шароитларнинг яратилиши;
- миллий валютамиз сўмнинг тўлиқ конвертациясига эришиш, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш;
- инвестицион лойиҳаларнинг хужжатларини тайёрловчи маслаҳат-инжинииринг компаниялари сонини кўпайтириш;
- республикадаги сиёсий ҳаётга бўлган ташқи таҳдид;
- реклама-ахборот таъминотидаги тақчиллик;
- телекоммуникация ва алоқа тармоқларининг жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги;
- маҳсулот бозори, хом ашё материалларга бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотларнинг этишмаслиги;
- аҳоли иқтисодий саводхонлик даражасининг пастлиги, хорижий инвесторларга бўлган муносабатнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;
- қўшма корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқлар кўплиги.

3.2. Тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш йўллари

Хорижий инвесторларни жалб қилишда Ўзбекистон кўпгина мавжуд бир қанча хусусиятларга эга:

-чет эллик ҳамкорларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари;

-сиёсий барқарорлик;

-қулай географик жойлашув;

-мамлакатнинг муҳим транспорт коридорлари туташуvida жойлашганлиги;

- МДҲ давлатлари билан ягона эркин савдо зонасида эканлиги;

-Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги;

-минерал ресурслар ва қазилма бойликларга бойлиги;

-тасдиқланган резервлар 1,3 трлн. АҚШ долларига тенг;

- мамлакатнинг жами потенциал минерал ресурслари 3,5 трлн. АҚШ долларига тенг;

-инсон ресурслари;

-деярли 100% саводлилик даражаси;

Мамлакатимиз кенг кўламдаги имкониятларга эга бўлсада, хорижий инвестицияларни унумли равишда жалб қилиш учун булар кам. Иқтисодиётга чуқур таъсир қилувчи инвестицияларни жалб қилиш кўпгина чора-тадбирлар кўрилишни тақозо этади. Мамлакат иқтисодиёти чет эл капиталини кўпроқ жалб этишда:

1. Иқтисодиётга хорижий сармоя киритишдан аввал, мавжуд маҳаллий инвесторларнинг иш фаолиятига бир мунча аниқлик киритиш лозим бўлади, бунда улар фаолиятида юзага келаётган лойиҳани ташкил қилишда олдиндан режалаштиришнинг объектив эмас, балки иқтисодий имкониятларини чуқур ўрганмаслик асосида ташкил этилиши, маркетинг тадқиқоти ўтказиш тажрибасининг этишмаслиги, натижада, катта иқтисодий заарларни келиб чиқиши, иқтисодий билимларнинг этишмаслиги каби муаммоларни бартараф этиш;
2. Хорижий сармояни жалб этишда бирламчи фойда жуда ҳам кам миқдорни ташкил этсада, лойиҳага розилик билдириш эвазига улар

- иштиёқини ошириш;
3. Паст рентабелли, бир неча йиллардан бери зарар кўриб ишлаётган объектлардан лойиҳани ишга туширишда эркин фойдаланишга рухсат бериш, зарурат туғилса, кейинчалик инвестиция киритиш шарти билан мулкни текинга бериш;
 4. Хорижий ҳамкорлар билан иш юритишда уларнинг замонавий билим ва тажрибаларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий кадрлар орасида потенциал малакали кадрлар сонини ошириб бориш;
 5. Хорижий инвесторларни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида эркин қатнашишларига кенгрок имконият бериш;
 6. Ҳудудда телекоммуникация ва транспорт алоқаларини яхшиланишини йўлга қўйиш, бунда хорижий инвесторга ўз лойиҳасини амалга оширишда ташкилий харажатлар ва инфратузилманинг яхши ривожланганлиги унинг инвестиция киритишга бўлган қизиқишини бир мунча ошириши алоҳида аҳамиятлидир;
 7. Корхоналарнинг **молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида холис ва ишончли ахборот таъминотий ўлга** кўйиш зарур. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентлари ташкил қилиниши лозим.
 8. Хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни, уларнинг барча ҳужжатлари, техник иқтисодий асосини сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқарувчи **профессионал лойиҳа инжиниринг компанияларини қўпайтириш** ва бу соҳадаги мутахассисларнини малакасини ошириш;
 9. Мамлакатда телекоммуникация ва алоқа тармоқларини жаҳон стандартларига жавоб берга оладиган даражага кўтариш, реклама-ахборот таъминотидаги тақчилликка чек қўйиш. Ушбу ўринда ахолининг интернет тармоғи билан таъминланганлигини ошириш ҳам мухим ўрин тутади.

10. Мамлакатда қулай инвестицион фаолиятни яратиш бўйича амал қилиб келаётган қонуний-ҳукукий база, хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларни **тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари кучайтириш** керак.
11. Кўшма корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги **тўсикларни камайтириш** ва янги очиладиган корхонани рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган вақтни қисқартириш.
12. Гарчи бу қийин бўлсада, миллий валютамиз сўмнинг тўлиқ конвертациясига эришиш, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш. Бунинг учун соядаги иқтисодиётнинг ролини камайтириш зарур.
13. Кўшма корхоналарни ташкил қилишда **солик имтиёзларини жорий қилишда давом этиш**. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда, янги иш ўринларини яратишда, давлат бюджетининг даромад қисмини солиқлар билан таъминлашда қўшма корхоналар муносиб ўрин эгаллайди. Кўшма корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрнини ушбу жадвалда ҳам кўришимиз мумкин (*2-Илова*). Шу сабабдан юртимизда хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни рафбатлантириш орқали қўшма корхоналарни барпо этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Ҳар бир инвестор ўз сармоясини бирор ҳудудга киритар экан уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солик қонунчилиги ҳамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир. Шу сабабдан солик имтиёзларини тўғри йўналишларда тақдим этиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга кўйиш лозим, акс ҳолда эса имтиёзларни беришдан кўзланган мақсадларга эришилмасликка олиб келади. Бу тадбирларни тўла қонли амалга ошириш учун эса хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга солик имтиёзларини жорий этишда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ўйлаймиз:
 - солик имтиёзларини самарали ишлашига акс таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;

- инвестицион фаолликни кучайтириш мақсадида берилаётган барча имтиёзларни бир пайтда тақдим этиш;
- қўшма корхоналарни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни фаолиятини чеклаб қўйишни ва рақобат муҳитини бузилишини олдини олиш;
- қўшма корхоналар ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот таркибида маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланганлик даражасига қараб уларга соликлардан маълум енгилликлар бериш;
- солиқ имтиёзларининг жорий этилиши бюджет даромадларига ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарап етказмаслиги лозим.

Бундай дейишимизга сабаб, айнан қўшма корхоналарга берилаётган имтиёзлар эвазига давлат бюджетининг даромадлар қисми катта ҳажмдаги маблағдан қуруқ қолади. Бунда имтиёзлар эвазига корхоналар ихтиёрида қолган маблағлардан самарали фойдаланиш, қайта инвестиция қилиш ва фаолиятини ривожлантириш орқали келажакда бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилади. Шу сабабдан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини тугатиб, капиталини (фойдасини) мамлакатларига олиб чиқиб кетишлари учун имтиёздан фойдаланиш муддати тугаганидан кейинги фаолиятини юритиш муддати камида 3 ёки 5 йил қилиб белгиланиши, акс ҳолда эса соликлар бўйича берилган барча имтиёзлар суммалари бюджетга ундирилиши лозим. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, асосан, ўлкамиз иқлими ва **географик жойлашуви ва бошқа табиий жиҳатларига монанд ҳолда ташкил этиладиган соҳаларга сафарбар этиш.**

3.2.1-жадвал

Ўзбекистонда инвестиция ва кредитларнинг соҳалар бўйича тақсимланиши
(2003-2009 й., %да)

Кўрсаткичлар:	2003	2005	2007	2009
---------------	------	------	------	------

Ишлаб чиқариш сектори	57,1	64,1	68,3	75,7
Саноат	32,4	29,0	32,1	28,4
Қишлоқ хұжалиги	5,8	3,4	4,6	3,1
Қурилиш	0,4	0,7	1,3	2,8
Транспорт и алоқа	10,0	23,1	20,7	31,4
Савдо ва умумий овқатланиш	2,6	1,5	1,7	2,5
Бошқалар	5,9	6,4	7,9	7,5
Непроизводственная промышленность	42,9	35,9	31,7	24,3
Жами:	100	100	100	100

Манба: Давлат статистика құмитаси.

14. *Хусусийлаштириши орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиши.* Иқтисодчиолимлар фикрига күра, хорижий инвесторларни жалб этишга йўналтирилган хусусийлаштириш сиёсати тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириши мумкин. Таҳлиллар қўрсатишича, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мамлакатдаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган инвестицион муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор ислоҳотларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган иқтисодиётларда хусусийлаштириш сиёсати воситасида йирик хорижий инвесторларни жалб этиш имконияти бошқаларга нисбатан юқори бўлади. Бундай ҳолда миллий иқтисодиётга маблағ жойлашганлиги билан боғлиқ бозор хатарлари даражаси паст, деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш қатор босқичларда амалга оширилиб, дастлаб кичик корхоналар, хизмат қўрсатиш соҳаси обьектлари хусусий мулкка айлантирилди. Кейинчалик ўрта ҳажмдаги корхона ва обьектларга эътибор қаратилиб, сўнгти йилларда йирик корхоналарни хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда.

2007-2010 йилларда хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида 2008 йилда давлат корхоналари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг ижтимоий соҳасидаги 392 та обьект мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўзгартирилди (9.1.6-жадвал).

Ушбу объектлар соғлиқни сақлаш (54 та), халқ таълими (38 та), қишло ва сув хўжалиги (23 та), маҳаллий ҳукумат идоралари қарамоғидаги ижтимоий инфраструктура объектлари (171 та), ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидағи корхона ва муассасалардир (103 та).

2004-2009 йилларда хусусийлаштирилган объектларнинг аксарият қисмини хусусий шахсларга сотиш (386 та) тенденцияси сақланиб қолди ва б та давлат ташкилоти масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириш орқали хусусийлаштирилди. Ушбу ташкилотларнинг биронтасида акционерлик жамиятига айлантириш орқали хусусийлаштирилиши кузатилмаган. Ҳозирга келиб хусусийлаштирилиши керак бўлган деярли барча йирик ва ўрта корхоналар нодавлат мулк шаклига ўзгартирилди. Шунинг учун иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни аввалги босқичларда давлат корхоналари негизида тузилган хўжалик жамиятларининг устав фондида давлат аралашувини минимал даражага қисқартиришга йўналтирилган.

3.2.2-жадвал

Давлат объектларини хусусийлаштириши кўрсаткичлари (бирликда)

	2005й.	2006	2007	2008	2009	2010
Хусусийлаштирилган давлат корхоналарининг (ишлиб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектлари) сони	1519	1228	980	673	631	392
Шу жумладан:						
Акционер жамиятларга ўзгартирилган корхоналар сони	75	28	3	9	-	-
Масъулияти чекланган жамиятларга ўзгартирилган корхоналар сони	981	62	75	55	38	6
Хусусий шахсларга сотилган корхоналар сони	396	1038	902	599	593	386
Давлат пакетлари хусусий шахсларга	972	446	117	88	60	27

сотилган акционер жамиятлар сони						
Устав жамғармасида давлат улуши хусусий шахсларга сотилган масъулияти чекланган жамиятлар сони	124	365	382	119	23	53

Манба: Ўзбекистон иқтисодиётни. 2010 йил учун ахборот-таҳлилий бюллетени. – Т.: 2011. 41-б.

2010 йилда инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвестрлар 27 та акционерлик жамиятлари назорат ва чекловчи, акцияларнинг давлат пакетлари 53 та МЧЖнинг устав жамғармаларининг улуши сотилган. Бу кўриб чиқилаётган йилда сотилган мазкур активлар кўрсаткичидан хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган ва ўтган йилги амалга оширилган кўрсаткичлардан анча кам. Устав жамғармасидаги давлат улуши хусусий шахсларга сотилган МЧЖлар бундан истисно.

Акцияларнинг давлат пакетларини ҳамда МЧЖ устав жамғармаларида улушларини сотиш ҳажмларининг камайиши қўйидаги омилларга боғлиқ:

- Ўзбекистоннинг хўжалик юритувчи субъектлари инвестицион жозибадорлигининг пасайиши;
- Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози туфайли хорижий инвесторлар учун хуссийлаштирилаётган обьектлар қийматининг юқорилиги. Қайд этиб ўтилган омиллар таъсири туфайли иқтисодиётнинг асосий тармоқларидағи қатор корхоналарнинг юқори ликвидли давлат пакетларининг савдога қўйилиши вақтинча тўхтатилди.

Хуссийлаштиришнинг ушбу босқичига хос хусусиятлардан бири – давлат мулкининг сотилишига устуворлик берилиши, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари корхоналарининг акциялари, биржадан ташқари бозорда танлов савдолари ҳамда инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан сотиш ҳисобланади. Хуссийлаштиришнинг бу усууларига устуворлик беришнинг сабаби шундаки, янги мулкдорлар нафақат обьектнинг хуссийлаштириш

мажбуриятини тўлаш, балкиишилаб чиқаришни ривожлантириш учун маълум бир инвестиция суммасини киритиш шартини ҳам қабул қилиб сотиб оладилар. Шу тарзда, 2009 йилда акцияларнинг давлат пакети ва бошқа мулк шаклларини сотиб олувчмлар томонидан 34.2 млрд. сўм ва 54.8 млн. доллар миқдорида инвестицион мажбуриятлар қабул қилинган³².

Инвесторларга танлов асосида “ноль” сотув қийматида 50 та иқтисодий nochor давлат корхоналари ва ижтимоий инфраструктура объектлари қарзларни ёпиш, хусусийлаштирилаётган объектни иқтисодий ва молиявий соғломлаштиришга йўналтирилган инвестицион мажбуриятларини қабулқилиш шарти билан берилган. Сотиб олишга сарфланган харажатлардан ташқари хусусий шахслар олган инвестицион мажбуриятларининг умумий қиймати 15.6 млрд. сўм ва 17.6 млн. долларни ташкил қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб фикр юритиладиган бўлса, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатни хорижий сармояни миллий иқтисодиётга жалб этишда янгича йўналишларни киритиш ва ҳали ишлатилмаган имкониятлардан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга қаратиш лозим. Бунда масалага мамлакат иқтисодиётининг характеристири ва хусусияти доирасидан келиб чиқиб ёндошилади, албатта.

Юқорида санаб ўтилганлардан энг ҳаётий усул – инвестицион лойиҳани ишга туширишда, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган объектларни кейинчалик инвестиция киритиш шарти билан текинга бериш мамлакатимизнинг иқтисодий потенциалини кўтаришда энг самарали восита бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги №209 сонли Қарори бу борада ҳаракатлантирувчи механизмни ташкил этишга ёрдам беради.

³². “Кўшма корхоналарни ташкил этишга инвестицияларни киритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДИУ, 2008.

Аммо инвестициялар оқиб келишига тўсқинлик қилаётган ҳар қандай унсурларни олиб ташлаш, уларни мамлакат иқтисодиётига жойлаштиришда янгидан-янги таклифларни киритиш, имтиёзлар бериш фикримизча Ўзбекистон иқтисодиётининг потенциал имкониятларини оширишда бирламчи ва энг асосий вазифа ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хорижий инвестициялар глобаллашув жараёнида энг асосий тушунчалардан бири бўлиб, у замонавий иқтисодиётни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ўтиш даври мамлакатлари, хусусан Ўзбекистонда иқтисодиётни такомиллаштиришда чет эл капитали юзага келаётган ортиқча капитал танқислигини бартараф этишда катта ёрдам бермоқда. Бу масаланинг биринчи жиҳати бўлса, иккинчидан ривожланган мамлакатлар учун ўтиш даври мамлакатларига инвестиция киритиш ҳақиқий даромад манбаи бўлиши билан бирга “тажриба майдончаси” вазифасини ҳам ўтамоқда. Бунда ушбу мамлакатларнинг эскирган, ишга яроқсиз ҳамда янги, ҳали тажрибадан ўтмаган технологияларини инвестиция киритилаётган мамлакатларда синовдан ўtkазишлари ҳисобига ортиқча даромад манбаига эга бўлаётганликлари назарда тутилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар жараёнининг ҳар икки томонга ҳам кутилган натижага эришишда керакли ёрдамни бераётганлигини кўрсатади.

Халқаро миқёсдаги инвестицион муҳитга назар ташлар эканмиз, бунда уни шартли равиша қўйидаги даврларга ажратиш мумкин бўлади:

1979-1981 йиллар, 1987-1990 йиллар ва айтиш мумкинки, учинчи босқич 1996-ҳозиргacha бўлган давр. Юқоридаги босқичларни таҳлил қилиш натижасида инвестиция киритишнинг асосий омили сифатида, биринчи босқичда нефть ва нефтни қайта ишлаш саноатига киритилган инвестиция капитали, иккинчи босқичда ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатларга киритилган технологик воситаларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган, саноатни шакллантириш учун киритилган инвестиция маблағлари ва энг охирги шартли босқичда телекоммуникация, туризм ва қурилиш саноатини ташкил этиш учун киритилган инвестиция маблағлари характерланади.

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари, хусусан Ўзбекистондаги тадбиркорлардан хориж капитали билан муносабатга киришишда талаб этиладиган энг асосий вазифа бўлиб, ҳамкорликни йўлга қўйишда, аввало тузилаётган лойиҳанинг реаллиги ва уни ўзини оқлашини олдиндан кўра

билиш, шунинг асосида қисқа муддатга киритилган хориж капиталини бирламчи ўз бизнесларини шакллантиришларига асос қилиб олиш, иккинчидан эса, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳисобланади. Жаҳон мамлакатларининг инвестиция киритиш тажрибасини ўрганар эканмиз, бунда киритилаётган инвестициянинг реципиент мамлакат ижтимоий-иктисодий менталитетига хос бўлиши шарт эмаслигини кўришимиз мумкин бўлади.

Бугунги глобаллашшув ва интеграциялашув жараёнида инвестиция киритилаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвестициялар ва чет эл капитали асосига қурилган корхоналар ўзларининг муҳим стратегик ўсиш режаларига ва истиқболларига эга бўлмоқда. Бунда корхона ўзининг молиявий аҳволини барқарорлашувида чет эл капитали асосига муҳим кафолатга эга бўлиши муҳимdir.

Мамлакат хориж капиталини жалб этар экан, бунда яна бир омил ижобий статусга эга бўлади, яъни мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестиция мамлакатнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий муҳитини инсон омили характери ҳисобига яхшилашга хизмат қиласди. Бунинг исботини чет эл сармоясини иқтисодиётга жойлаштиришда хорижий инвестор орқали ривожланган мамлакатларнинг ҳам бевосита реципиент мамлакат иқтисодиётини бошқаришда аралашиб қолаётганлиги, натижада барча ўтиш даври мамлакатларига хос бўлган ёмон иллатларнинг (коррупция, ўз мансабини сустеъмол қилиш, порахўрлик) ҳам бир қадар барҳам топиши натижасида ҳам кўриш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётни шакллантиришда янгича ўзига хос механизмнинг пайдо бўлишига олиб келиши табиий.

Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг энг асосий жиҳати, иқтисодиётни эркинлаштириш, инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилиш ва халқ фаровонлиги таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатдаги инвестицион иқлимин таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда чет эл сармоясини киритишда энг асосий муаммо киритилаётган инвестицияларнинг худудий тақсимланиши даражаси билан болғиқ бўлмоқда. Аммо бу борада қабул қилинган Давлат Дастури юқоридаги муаммони ҳал этишнинг ҳам бир қатор ечимларини белгилаб беради. Бунда хориж капитали негизида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг мамлакат экспорт салоҳияти таркибида ўсиб борувчи салмоққа эга бўлишлари алоҳида эътироф этилади.

Ҳукумат томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёsat, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар чет эл инвесторлари учун ўз капиталларини Ўзбекистонга киритишда ўзига хос кафолат вазифасини бажармоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти хориж капиталини киритишда иккинчи босқичга ўтмоқда, яъни бунда биринчи босқичда бўлгани каби ҳар қандай хориж инвестори билан дуч келган лойиха устида ҳамкорликни йўлга қўявериш эмас, балки қабул қилинаётган лойихадан кутилаётган манфаатнинг миқёси қай даражада эканлигини бирламчи ҳисобга олиш масаланинг асосий жиҳати сифатида қаралади.

Эндиликда миллий инвестицион сиёsat қуйидаги йўналишларда ҳаракатланмоғи лозим бўлади:

- Иқтисодиётнинг таркибий қуролланишида, шунингдек такомиллашувида инвестицияларнинг фаол ҳаракатланиши;
- Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувида алоҳида талаблар асосида муомалага киришиш;
- инвесторлар билан бўладиган муносабатда “очик эшиклар” сиёсатини юритиш, бунда технологик таъминот ва иқтисодиётнинг нисбатан кам ривожланган соҳаларини такомиллашувига йўналтирилган лойиҳалар билан имкон қадар кўпроқ ишлаш;
- лойиҳаларни миллий кредит тизими асосида молиялаштириш, бунда бирламчи қарз берувчи сифатида Ўзбекистонни танлаш;

- ижтимоий ва экологик жиҳатдан инвестиция дастуридан кутиладиган оқибатларнинг ижобийлашиб боришини алоҳида эътироф этиш.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниш тенденцияси ҳамда хорижий инвестицияли корхоналарнинг фаолиятидан келиб чиқиб, қуйидаги муаммоларни ечилиши зарур деб топдик:

- Миллий валюта – “сўм”нинг эркин конвертируланишидаги тўсиқлар мақжудлиги;
- Инвестицион лойиҳаларни ташкил этишда марказлашган ҳолда бошқарувнинг юқорилиги;
- ишлаб чиқарувчилар мустақиллигининг камлиги;
- шу билан бир вақтда лойиҳаларни бажаришда ноқонуний хатти-харакатларнинг мавжудлиги;
- маркетинг тадқиқотининг заифлиги.
- профессионал лойиҳа-инжиниеринг компанияларининг саноқли эканлиги ва яхши ривожланмаганлиги.

Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестициялар билан олиб борилаётган иқтисодий сиёsat таҳлили натижасида қуйидаги таклифларни киритишимиш мумкин:

- Миллий валюта – “сўм”нинг эркин конвертируланишидан инвестицион лойиҳаларни тузишда имкон қадар кенгроқ фойдаланиш;
- Инвестицион лойиҳаларни ташкил этишда давлат аралашувини ва марказлашган ҳолда бошқарувни камайтириш, бунда тадбиркорларнинг бевосита хориж тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилишларини таъминлаб бериш;
- Инвестицион лойиҳада статистик ҳисоботга қўйиладиган талабнинг қисқартирилиши, талаб этилаётган маълумотларни умумлаштириш, яъни

ишлиб чиқарувчилар фаолиятини имкон қадар мустақиллигини таъминлаш;

- Лойиҳани бажаришда масъул ходимлар учун ўз қарорлари юзасидан бўладиган жавобгарликлар бир мунча оширилиши лозим, шунда уларнинг ноқонуний ҳатти ҳаракатларига бир қадар чек қўйилади;
- Янги таклиф этилаётган лойиҳада жаҳон бозорига чиқиш стратегиясини бирламчи мақсад қилиб белгилаб олиш;
- Маҳаллий аҳолига корхоналарнинг иш фаолияти ҳақида ОАВлар орқали реклама роликлари ҳамда маҳсус чиқишилар орқали ҳаётий ва ишонарли маълумотларни бериб бориши.
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни, уларнинг барча хужжатлари, техник иқтисодий асосини сифатли ва талааб даражасида ишлиб чиқиш учун юқори малакали лойиҳа-инжиниринг кадрлари билан ишловчи лойиҳа-инжиниринг компанияларини кўпайтириш зарур.

Юқорида санаб ўтилган таклифларни келтиришда мамлакат иқтисодиёти имкон қадар чуқур тахлил қилинди. Бунда инвесторлар бўладиган муносабатда “очиқ эшиклар” сиёсатини юритиш, технологик таъминот ва иқтисодиётнинг нисбатан кам ривожланган соҳаларини такомиллашувига йўналтирилган лойиҳалар билан имкон қадар кўпроқ ишлаш – диссертация ишидан олиш мумкин бўлган энг сўнгги хуносадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Конунлари.

- 1.Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (30.04.1998й). – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. 23 – Т.: Адолат, 2000.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида: Қонун. 2005 йил 16 сентябрь //Халқ сўзи.-2005. №186-сентябрь -16.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. 23 – Т.: Адолат, 2000.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат Дастури тўғрисидаги ПҚ 805-сонли Қарори 2008 йил 29 февралда қабул қилинган.
- 5.Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Фармон. //Солик тўловчининг журнали.-2005.-№4.-4 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

- 6.Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллашириш тўғрисида: Қарор 2004 йил 9 февраль //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – 2004.- №
- 7.Қўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Қарор. 2002 йил 11 октябрь. 393-сон //Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлар.-2003.-№12. 135 б.
- 8.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. //Солиқлар ва божхона хабарлари. -2003. -21 (461)-16 май. -9 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

9. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2007. 13 февраль.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи газетаси 2008 йил 9 феврал.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, малакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 92 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ислоҳотлар ва Инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг 2000 йил 13.февралдаги йиғилишида қилган маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 2 февраль.

Дарсликлар.

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган.

14. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташки иқтисодий фаолият асослари. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “адабиёт жамғармаси” нашр., 2001.- 328б.

Россияда чоп этилган.

15. Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание.: Пер. с англ. "Вильямс", 2008. — 984 с .
16. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов:Пер.с англ.- 4-е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс,2007.1340 с.
- 17.Инвестиции: учеб. ғА.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.
- 18.Шарп У., Александр Г., БэйлиДж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.ИНФРА-М, 2007.1028 с.
- 19.Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. ғ[Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов.С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. - 4-е изд., перераб. и доп.- М.:«Академия», 2007. - 304 с.

Ўқув қўлланмалар.

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган.

20. А.В.Вахабов, Ш.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 47-50, 57-бетлар.
20. Н.Н.Расулов.Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана.-Т.: «ФАН», 2003.-165 с.
- 21.Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. / “Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008, 154-бет.
- 22.Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” ўқув предмети бўйича: ўқув-услубий мажмуа (бакалавриат босқичи талабалари учун) ғ “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари” Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2008, 124-бет.

Россияда чоп этилган.

23. Игошин Н.В. Инвестиции, организация, управление, финансирование: Учебник ғ -3-е изд.-М.: «ЮНИТИ : ДАНА», 2005.-448 с.
- 24.Дегтярёв О.И. Внешнеэкономическая деятельность: Учеб. пособие. Дегтярёва О.И., Полянова Т.Н., Саркисов С.В.-М.: Дело, 2005. – 325 с.
- 25.Диденко Н. И. Основы внешнеэкономической деятельности в РФ. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2004. – 286 с.

Илмий монографиялар, мақолалар.

- 26.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 1-қисм. Бекмуродов А., Болтабаев М., Фойибназаров Б., Аманбаев М., Тошхўжаев М. Макроиктисодий сиёsat ва иқтисодий ислоҳотлар. – Т.: ТДИУ, 2005.
- 27.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 2-қисм. Бекмуродов А., Ҳакимов Р., Сафаров Б., Захидов Г. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар ва фермерлик ҳаракати. – Т.: ТДИУ, 2005.
- 28.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 3-қисм. Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожи – давр талаби. - Т.: ТДИУ, 2005.
- 29.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 4-қисм Бекмуродов А., Тожиев Р., Қурбонов Ҳ, Алимардонов М. Молия ва банк тизимидағи ислоҳотлар самараси. – Т.: ТДИУ, 2005.
- 30.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 5-қисм. Бекмуродов А., Таиров Ш., Махмудов Э., Исаков М., Тўраев Н. Ташқи иқтисодий сиёsat: савдо ва инвестициялар оқимлари. – Т.: ТДИУ, 2005.
- 31.Назарова Г.Г. ва бошкалар. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Т.: ТДИУ, 2005. – 224 б.

32. Сирожиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т.: УМЭД, 2004. – 201 с.

Россияда ҳимоя қилинган

33. Ким Ю. Жонг Развитие инвестиционной деятельности иностранных компаний в современной экономике России. Диссертация доктора экономических наук. М.: МГУ, 2006. – 385 с.

Илмий-амалий анжуманлар маъruzалари тўпламлари

34. “Кўшма корхоналарни ташкил этишга инвестицияларни киритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДИУ, 2008.

35. “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг роли” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДИУ, 2005.

Газета ва журналлар.

34. Халқ сўзи.

35. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.

36. Бозор, пул ва кредит.

Статистик маълумотлар тўпламлари.

37. Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 210 б.

38. Ўзбекистоннинг 2010 йилдаги ижтимоий–иктисодий ривожланиши кўрсаткичлари. – Т.: Ўзбекистон, 2011. - 112 б.

Интернет сайтлар.

39. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

40. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.

41. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти

42. www.eurasinews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

43. www.lenta.ru – Интернет нашриёти

44. www.omad.uz – Бизнес ривожи учун ахборот портали.

ИЛОВАЛАР

1-илова

**Асосий капиталга инвестициялар ва уларнинг молиялаштириши
манбалари (% и млрд. сўм)**

Кўрсаткичлар	2007 й	ўсиш %	2008 й	ўсиш%	2009 й	ўсиш%
Асосий капиталга инвестициялар	5903,5	125,8	9555,9	134,1	12531,9	124,8
Марказлашган инвестициялар	1043,7	100,5	1890,1	149,8	2517,9	124,4
бюджет маблағлари	473,4	97,8	816,6	142,7	1019,5	113,5
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	338,7	107,4	585,9	143,1	927,8	147,5
Давлат кафолатидаги хорижий инвестициялар	231,6	96,8	487,6	174,1	570,6	114,8
Марказлашмаган инвестициялар	4859,8	133,1	7665,8	130,7	10014,0	125,0
Корхона маблағлари	2699,7	119,4	3940,3	120,7	4550,0	103,2
Аҳоли маблағлари	643,8	110,9	834,6	109,0	1325,0	130,5
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	1216,1	194,5	2376,3	161,6	3487,5	166,9
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа маблағлари	300,2	157,2	514,6	141,8	651,5	129,9

Манба: Давлат статистика қўнимитаси.

Ўзбекистонда корхона ва ташкилотларнинг мулкчилик шакллари (1 январь, минг).

	2001 й.		2003 й.		2005 й.		2007 й.		2009 й.	
	Сони	%								
Жами	178,3	100	223,1	100	283,9	100	423,4	100	503,4	100
Давлат мулки	18,6	10,4	26,2	11,7	26,0	9,2	24,1	5,7	36,7	7,3
Нодавлат мулк	159,7	89,6	196,9	88,2	257,9	90,8	399,3	94,3	466,7	92,7
Улардан:		100		100		100		100		100
Хусусий мулк	75,5	47,3	78,5	39,8	92,4	35,8	114,5	28,6	97,1	20,8
Ширкат хўжалиги	1,2	0,8	0,6	0,3	2,7	1,0	1,9	0,5	1,4	0,3
Кўшма жамоалар	0,7	0,4	0,7	0,4	1,4	0,5	1,9	0,5	1,9	0,4
Кўшма ва хорижий корхоналар	3,1	1,9	2,9	1,5	3,2	1,2	3,6	0,9	4,3	0,9
Бошқа нодавлат ташкилотлар	79,2	49,6	114,2	58,0	158,2	61,5	277,4	69,5	362,0	77,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

3- илова

2001-2009 й.да тўғридан-тўгри хорижий инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши(%да).

Ҳудудлар	Йиллар								
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Қорақалпоғистон	2,7	2,2	1,5	1,6	2,8	4,5	6,7	4,8	5,2
Андижан	9,0	1,5	1,0	4,7	4,9	1,8	2,3	5,2	3,6
Бухоро	1,5	2,2	2,1	1,0	2,9	4,1	2,8	12,9	19,5
Жиззах	0,8	1,2	2,9	4,4	0,1	0,6	1,4	1,4	1,8
Қашқадарё	1,1	31,0	29,6	24,4	16,9	8,4	14,1	13,5	17,5
Навоий	1,6	4,0	9,6	11,8	3,5	9,5	10,0	5,9	4,7
Наманган	9,4	0,9	0,8	2,7	3,7	2,2	1,4	5,1	4,5
Самарқанд	9,8	5,6	3,0	2,4	1,9	2,3	4,7	6,4	4,4
Сурхондарё	0,5	1,3	0,9	0,3	0,2	1,1	2,5	5,3	4,1
Сирдарё	0,8	1,6	0,8	1,5	0,4	1,1	2,1	2,1	1,7
Тошкент в.	6,7	3,7	7,7	7,4	8,9	8,4	5,0	9,4	10,0
Фарғона	19,8	11,4	3,9	14,0	22,8	2,5	2,9	6,2	5,3
Хоразм	3,1	3,4	1,3	2,7	10,2	1,3	4,4	3,1	1,7
Тошкент ш.	33,3	30,1	35,0	21,1	20,8	41,9	39,7	18,7	16,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

4- илова

2009 йилда “Узинфоинвест” агентлиги ҳамкорлигида жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар амалган оширган инвестицион лойиҳалар (млн. долл.)

№	Буюртмачилар ва лойиҳалар номи	Хорижий ҳамкорлар	Инвестиция суммаси
	Жами:		9703,66
I	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва истеъмол товарларини қайта ишлаш комплекси, жами:		429,88
	Компания «Узбекенгилсаноат» (модернизация ва қурилиш)		429,7
1	ИПнаООО «DAEWOO TEXTILE FERGANA»	ДЭУ Интернешнл (Юж. Корея)	68,00
2	ИПнаООО «DAEWOO TEXTILE BUKHARA»	ДЭУ Интернешнл (Юж. Корея)	43,00
3	ИП на ООО «Спентекс Ташкент Тойтепа»	«Спентекс», (Индия)	81,00
4	ИП «Миматаш текстиль» (Андижан)	Миматаш Текстиль (Турция)	44,00
5	ИП на базе «Бухаратекс»	SIS SAYIL IPLIK (Турция)	141,00
6	ИП «Байпак қурилиш» г.Ташкент	Байтекс тиҷарет (Турция)	18,70
7	ИП «HAIN TEX» (Наманган)	HAIN TEX Co Ltd (Юж. Корея)	34,00
	«Масложирпищепром» Ассоциацияси		0,18
8	Ноанъанавий мой турларини қайта ишловчи технология сотиб олиш ва киритиш	Beglant Investment Company Establishment «Лихтенштейн»	0,18
II	Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплекси:		222,82
9	Давлат мулк қўмитаси.	Хорижий корхоналар	134,82
10	Миллий банк. Хитой тараққиёт банкининг кредит линияси.	Китайский банк Развития	60,00
11	Миллий банк. ИБР молиялаштиришининг 2-линияси	ИБР	20,00
12	УзСҚБпромстройбанк. ИБР молиялаштиришининг глобал линияси	ИБР	1,00
13	УзСҚБ.Немис банкларининг кредит линиялари	Банки Германии	4,00
14	Ипотека банк. Молиялаштиришининг асосий линияси ИБР.	ИБР	3,00
III	Коммунал сфера, транспорт, капитал қурилиш комплекси, жами:		90,73
15	«Кнауф» фирмаси технологияси бўйича гипсокартон и/ч ИП ООО «Кнауф Гипс Бухара»	«Кнауф» (Германия)	
16	Клинкер модернизацияси АО «Бекабадцемент»	ТОО «Каспийские ресурсы» (Казахстан)	58,73
IV	Машиносозлик, электротехника и авиаация саноати комплекси, жами:		2,40
17	Фонар и/ч қўшма корхонаси	Chasys CO, Ltd (Юж. Корея)	2,40
V	Геология, иссиқлик-энергетика, кимё, нефткимёва металлургия саноати Комплекси, жами:		8511,63
18	Комплексное обустройство месторождения Сургиль с извлечением ценнүх компонентов	«Lotte Daesan Petrochemical Corporation», «LG International», «SK Gas», «STX Energy»	1500,00
19	Освоение месторождений Кандумской группу,	ЛУКОЙЛ (Россия)	995,21

	участков «Хаузак» и «Шадў», а также проведение геолого-разведочных работ на Кунрадском участке на условия СРП		
20	Проведение геолого-разведочных работ, разработка месторождений и добыва углеводородов на территориях Юго западного Гиссара и Устюрга	Союзнефтегаз Восток лимитед (Великобритания)	462,22
21	Строительство газопровода «Узбекистан-Китай» (Узбекский участок)	CNPC	2975,00
22	Разработка трудноосваиваемых месторождений «Северный Нишан», «Камаши», «Бешкент», «Северный Гузар», «Шакарбулак» и проведение ГРР на нефть и газ в пределах Тагам-Шимолий Тандурчинской зону Гиссарского региона	Зеромакс (Швейцария)	400,5
23	Соглашение о разделе продукции в отношении месторождений «Урга», «Куануш» и Акчалакской группе Устюртского района	«Петронас Чаригали» (Малайзия)	500,00
24	Проведение ГРР, разработка месторождений и добыва углеводородов на Байсунском инвестиционном блоке Сурхандарьинского региона	«Петронас Чаригали» (Малайзия)	660,70
25	Другие направления ГРР, разработки месторождений и добыва углеводородов		1007,00
26	Реконструкция ва модернизация (минерал ўғитлар) ОАО «Аммофос»	MAXAMCORP SAU (Испания)	6,00
27	ГАК «Узкимёсаноат»	Мицубиси Корпорэйшн (Япония)	5,0
VI Информация ва телекоммуникация тизими комплекс, хами			985,70
28	ИП ООО «Уздуниробита» уяли алоқа тизимини кенгайтириш	МТС (Россия)	290,00
29	ИП ООО «Юнитель» уяли алоқа тизимини кенгайтириш	Вкомпелком (Россия)	44,50
30	ИП ООО «Коском» уяли алоқа тизимини кенгайтириш	TeliaSonera holding B.V. (Нидерландия)	61,20
VII Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоякомплекси, жами:			3,80
31	Модернизация ва реконструкция ГАК «Фармсаноат»	«Aquarelle» (Великобритания)	3,80
Сурхондарёвилоят ҳокимияти			
32	Янги қурилиш ИП ООО «Сурханцементинвест» цемент и/ч	ООО «Компания нефти и газа» (Россия)	46,70

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

5- илова

“Навоий” ЭИИЗ ҳудудида 2009-2010 йилда амалга ошириладиган инвестицион лойихалар.

№	Лойихалар	Хорижий хамкор	Лойиха киймати	Хорижий инвесторниң улуси	Лойиха тұлғық қувват билан ишлеккендегі инвесторлардың мөндері			
					Үйлескелеттегі шартты бюджеттер	Минималдық жоба	Сумма Млн. доллар	Шунда н экспорт млн. доллар
	“Ўзбекнефтегаз”		48	24			356	94
1.	Автогазтүлдиргіч компрессор станциялари ва автомобиль газ балонлари ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	Bilitix Co. Ltd.(Корея)	8,4	4,2	Компл. минг.д.	33 72	50	18
2.	Пластик махсулотлари ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	Honam Petrochemical (Корея)	5	2.5	Минг.тн.	3	4.5	1.5
3	Автомобил ёкилги ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	“T&T Sistemi” (Италия)	4.5	2.25	Компл. минг.д.	30 65	50	20
4.	Электрон газ хисоблаш асбоблари ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	DongHo ENC Co.Ltd (Корея)	5	2.5	Минг.д.	100	30	5
5.	Томчили сугориш системалари ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	Tianye (Хитой)	5	2,5	Минг.га	50	10	3,3
6.	Полиэтилен трубалари ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	Байхайхуамин (Хитой)	10	5	Минг.тн,	8,6 11, 8	11, 8	5,9
7.	Нефт қазиш ускуналарини ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	Tian Jin Ring (Хитой)	10	5	Компл. минг.д.	50 110	200	40
	“Узкимёсаноат” ДАҚ		20 1	99			102 .5	24.5
8.	Алюмен панелларини (алюкобонд) ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	Байхайхуамин (Хитой)	4.2	2.1	Млн.кв . метр	1	8	6
9.	Маиший кимё махсулотлари ишлаб чыкарушни йўлга қуиши	BEFA (Австрия)	7.8	3.9	Минг.тн.	15	25. 5	6.4

10	“Навоийазот” ОАЖ да поливинхлорид (ПВХ) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	ISU Engineering & Construction (Корея)	18 0	90	Минг. тн.	50	35	3,5
11	Синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	LRS Planung & Chnologie (Германия)	9	3	Минг тн,	20	34	8,5
	Геология давлат қўмитаси		52	46			90	90
12	Кремния поликристаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Shindong Enercom Inc. (Хитой)	22	20	Минг тн	10	30	30
13	Кремния поликристаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Neoplant (Корея)	30	26	Минг тн.	20	60	60
	“Ўзбекенгилсаноат” ДАҚ		62	62			34. 9	24
14	Тайёр текстил буюмлари (пахмоқ сочик) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Daewoo International (Корея)	10	10	Млн. дона	2	10	6
15	Тайёр текстил буюмлари (трикотаж махсулотлари) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Shindong Enercom Inc. (Хитой)	6	6	Млн. дона	2	2.5	2
16	Тайёр тикув трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Neoplant Корея	6	6	Млн. дона	2	2.4	2
17	Йигирилган ип ва тайёр мато (тюль) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Сантекс (Туркия)	40	40	Минг п/метр	18	20	14
	“Ўзбекчармпойабзали” ассоциацияси		1. 7	1.0			15. 0	5.0
18	Чармдан кийим ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Danamae Leather Fashion Корея	1. 0	0.5	Минг дона	100	10. 0	4.0
19	Чарм галантерия (атторлик) буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	KzenPro (Корея)	0. 7	0.5	Минг дона	500	5.0	1.0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Р-3147 сонли фармойиши. 2009 йил 25 марта.